

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАШАРИПОВА НАРГИЗА ОТАХОНОВНА**

**СЎЗЛАРАРО МАЪНОВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ  
СТРУКТУР ВА ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ  
(инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик  
ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Филология фани бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on  
Philological sciences**

**Машарипова Наргиза Отахоновна**

Сўзлараро маъновий муносабатларнинг структур ва функционал хусусиятлари (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)..... 3

**Машарипова Наргиза Отахоновна**

Структурные и функциональные особенности межсловных семантических отношений (на примере английского и узбекского языков). ..... 31

**Masharipova Nargiza Otaxonovna**

Structural and functional features of semantic relations of lexical units (in English and Uzbek). ..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 64

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАШАРИПОВА НАРГИЗА ОТАХОНОВНА**

**СЎЗЛАРАРО МАЪНОВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ**  
**СТРУКТУР ВА ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**  
**(инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик**  
**ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Fil594 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасининг [www.nuu.uz](http://www.nuu.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Джумабаева Жамила Шариповна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Джусупов Нурсултан Маханбет ули**  
филология фанлари доктори, доцент

**Курбанова Муҳаббат Матякубовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_\_\_»\_\_\_\_\_2021 йил соат\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 10074, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400-уй. Тел: (99871) 246-08-62; (99871) 227-10-59; факс: (99871) 246-65-24 e-mail: [наука@nuu.uz](mailto:наука@nuu.uz). Ўзбекистон Миллий университети, Хорижий филология факультети (1-қават, 112-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_) рақами билан рўйхатга олинган. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 400-уй. Тел: (99871) 246-08-62.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_куни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_\_\_»\_\_\_\_\_даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г.Шереметьева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Н.Э.Абдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**И.А.Сиддиқова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида семантик категорияларнинг структур ва функционал хусусиятларини таҳлил қилиш, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини очиб бериш, изоҳлаш ҳар бир тил назарий асосларини такомиллаштиришга, янги тушунча ва атамаларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Тилшуносларнинг тадқиқотларида миллий тил ҳодисалари ва категорияларининг структур-функционал жиҳатларини аниқлашга доир тадқиқотлар олиб бориш билан бирга уларни қардош бўлмаган тиллар билан чоғиштириш тобора долзарб бўлиб бормоқда. Бу борада сўзлараро маъновий муносабатларнинг турли тизимли тилларда семантик ва структур жиҳатлари тадқиқи, уларнинг ўзаро муносабатини аниқлаш ҳамда фонологик, лексик, морфологик, синтактик ва стилистик сатҳларда намоён бўлишини далиллаш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослиги тараққиётининг асосий омиллари сифатида лингвистик бирликларнинг бевосита ва билвосита алоқаларини батафсил таҳлилга тортиш ва шу аснода сўзлараро маъновий муносабатлар доирасида илмий жиҳатдан янги лингвистик парадигмаларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш каби илмий тадқиқотлар ҳозирги кунда умумий тилшуносликнинг долзарб масалаларидан саналади. Бинобарин, жаҳон тилшунослигининг тараққий топиши ўз ўрнида дунёдаги тилларнинг жумладан, ўзбек тилида лексик семантика соҳасининг ривожланиш жараёнига оид тадқиқотларнинг бевосита боғлиқликда олиб борилишини тақозо этади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишларини белгилаш, олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш сингари устувор масалалар амалий аҳамиятга эга ҳисобланиб, шу ўринда мазкур масалаларга оид бўлган бир қатор саъй ҳаракатлар олиб борилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси доирасида «мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш, олий таълим билан қамров даражасини ошириш»<sup>1</sup> сингари олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари белгилаб берилган. Она тилимизни унга қардош бўлмаган ҳинд-европа тиллари билан ўзаро чоғиштириб ўрганиш асосида тилшуносликни ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқот ишлари кўлами ҳам сезиларли даражада кенгаймоқда. Хусусан, мустақилликнинг илк йилларида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари бир тил доирасида семантик категорияларнинг жиҳатлари ва моҳиятига бағишланган бўлса, сўнгги йилларда тилларни чоғиштириш орқали уларнинг фарқли ва ўхшаш томонларини аниқлашга

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони. 3-боб, 3-банд. <https://lex.uz/docs/4545884>.

бағишланган ишлар тобора ортиб бораётганига қарамасдан, мазкур соҳада ўз тадқиқини, ечимини кутаётган масалалар ҳали талайгина. Инглиз ва ўзбек тилларида нафақат семантик категориялар структурасининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш, балки уларнинг функционал жиҳатларини ҳам ўрганиш ушбу тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сон «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Инглиз тилшунослигида сўзлараро маъновий муносабатлар тадқиқи масалаларига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, бунда *антонимия* категорияси Дж.Лайонз, А.Лерер, А.Круз, В.Чарльз, Г.Миллер, К.Фельбаум, Л.Р.Хорн, С.Джонс, М.Л.Мёрфи<sup>1</sup> сингари тилшунослар ишларида тадқиқ қилинган бўлиб, уларда асосан антонимиянинг турлари, бошқа семантик категориялар билан муносабат ҳамда уларнинг функционал, прагматик ҳамда контекстуал жиҳатларига асосий эътибор қаратилган. Шунингдек, антонимиянинг турли тизимли тилларда чуқур ўрганилиши уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлашга, лексикография, лингводидактика ва чоғиштирама тилшунослик соҳаларининг ҳам ривожланишига олиб келган. Семантик категориялар сирасига кирувчи синонимия шу давргача олимлар диққатини ўзига жалб қилиб келган бўлиб, ушбу ҳодисани ўрганган олимлар мазкур категорияни ҳар томонлама тадқиқ қилишган. Хусусан, *синонимия* ҳодисаси Р.Харрис,

<sup>1</sup> Lyons J. Semantics. (2 vols.) – Cambridge: Cambridge University Press, 1977; Lehrer A., Lehrer K. Antonymy. Linguistics and Philosophy 5, 1982. – P. 483-501; Lehrer A. Markedness and antonymy. Journal of Linguistics 21, 1985. – P. 397-429; Cruse D.A. Lexical semantics. – Cambridge, England: Cambridge University Press, 1986. – P. 160; Charles W.G., Miller G.A. Contexts of antonymous adjectives. Applied Psycholinguistics 10, 1989. – P. 357-375; Cruse D.A. Prototype theory and lexical relations. Rivista di linguistica 6, 1994. – P. 167-188; Fellbaum C. Co-occurrence and antonymy // International Journal of Lexicography 8, 1995. – P. 281-303; Horn L.R. A natural history of negation (rev. edn.). – Stanford: CSLI Publications, 2001; Jones S. Antonymy: A Corpus-based approach. – London: Routledge, 2002; Murphy M.L. Semantic Relations and the Lexicon. Antonymy, Synonymy, and Other Paradigms. – UK: Cambridge University Press, 2003. – 292 p.; Horn L.R. The expression of negation. 2010; Murphy M.L. Lexical Meaning. – UK: Cambridge University Press, 2010. – P. 119.

Дж.Лайонз, А.Круз, Х.Джексон, А.Лерер, Л.Липка, С.И.Хаякава, О.Эрлих, Ч.В.Крейдлер, К.Фельбаум, М.Л.Мёрфи<sup>1</sup> каби тилшунос олимлар тадқиқотларида, *пlesiонимия* эса А.Круз, Ч.ДиМарко, Г.Хирст, П.Эдмондс, Д.Инкпен, Д.Дивжак, П.Сторйоханн, Д.Глин<sup>2</sup> каби лингвистлар ишларида келтирилган. *Гипонимияга* оид тадқиқот ишлари эса тилшунос олимлардан А.Лерер, Дж.Лайонз, Л.Липка, Г.Н.Лич, А.Вежбицка, А.Круз, Д.Болингер, К.Фельбаум, М.Л.Мёрфиларнинг<sup>3</sup> илмий ишларида ўз аксини топган, *меронимия/партонимия* категорияси Г.А.Миллер, Дж.Лайонз, А.Круз, Б.Смит, Э.Маркман, Ж.Лиу, М.Винстон, Р.Шаффин, Д.Херрман<sup>4</sup> каби тилшунослар тадқиқотларида ёритилган.

<sup>1</sup> Harris R. Synonymy and linguistic analysis. – Oxford: Blackwell, 1973. – P. 11; Lyons J. Semantics (2 vols). – Cambridge: Cambridge University Press, 1977. – 368 p.; Cruse D.A. Lexical semantics. – Cambridge, England: Cambridge University Press, 1986. – P. 88; Jackson H. Words and their meaning. – London: Longman, 1988. – P. 65; Lehrer A., Kittay E.F. Frames, fields, and contrasts: New essays in semantic and lexical organization, Hillsdale. – NJ: Lawrence Erlbaum Associates, 1992; Lipka L. An Outline of English Lexicology. Lexical structure, word semantics, and word-formation. Second edition. – Germany: Max Niemeyer Verlag GmbH & Co. KG. Tübingen, 1992. – 212 p. – P. 142; Hayakawa S.I., Ehrlich E. Choose the right word: A contemporary guide to selecting the precise word for every situation. – New York: Harper Perennial, 1994; Kreidler C.W. Introducing English semantics. – London: Routledge, 1998. – P. 10; Fellbaum C. WordNet: An electronic lexical database. – Cambridge, MA: MIT Press, 1998; Cruse D.A. Meaning in language: Introduction to Semantics and Pragmatics. – Oxford: Oxford University Press, 2000; Murphy M.L. Semantic Relations and the Lexicon. Antonymy, Synonymy, and Other Paradigms. – UK: Cambridge University Press, 2003. – 292 p. – P. 133; Murphy M.L. Lexical Meaning. – UK: Cambridge University Press, 2010. – 256 p. – P. 110.

<sup>2</sup> Cruse D.A. Lexical Semantics. – Cambridge: Cambridge University Press, 1986. – 292 p.; DiMarco Ch., Hirst G., Stede M. The semantic and stylistic differentiation of synonyms and near-synonyms. In AAAI Spring Symposium on Building Lexicons for Machine Translation. – Stanford, CA: March. Dorr, Bonn, 1993. – P. 114-121; Hirst G. Near-synonymy and the structure of the lexical knowledge. – Canada: University of Toronto, Department of Computer Science, 1998. – P. 2; Edmonds P. Translating near-synonyms: Possibilities and preferences in the interlingua. In Proceedings of the AMT A/SIG-IL Second Workshop on Interlinguas, Langhorne, P.A. Proceedings published as technical report MCCS-98-316. – New Mexico State University, 1998. – P. 23-30; Edmonds P. Semantic Representations of Near-Synonyms for Automatic Lexical Choice. Ph.D. thesis. – University of Toronto, 1999; Inkpen D.Z., Hirst G. Building a lexical knowledge-base of near-synonym differences. Workshop on WordNet and Other Lexical Resources, Second Meeting of the North American Chapter of the Association for Computational Linguistics. – Pittsburgh, 2001. – P. 47-52; Edmonds P., Hirst G. Near-Synonymy and Lexical Choice. Association for Computational Linguistics. 2002. Volume 28, Number 2; Divjak D. Ways of intending: Delineating and structuring near-synonyms. Corpora in cognitive linguistics: Corpus-based Approaches to Syntax and Lexis. – Berlin: Mouton de Gruyter, 2006. – P. 19-56; Divjak D., Gries Th.S. Clusters in the mind? Converging evidence from near-synonymy in Russian. The Mental Lexicon 3(2), 2008. – P. 188-213; Storjohann P. Plesionymy: A case of synonymy or contrast? Journal of Pragmatics, 41(11), 2009. – P. 2140-2158; Glynn D. Synonymy, lexical fields and grammatical constructions. – Berlin: Mouton de Gruyter, 2010. – P. 89-118; Storjohann P. Lexical-semantic relations. Theoretical and practical perspectives. – Amsterdam/Philadelphia: John Benjamins B.V., 2010. – 188 p.

<sup>3</sup> Lehrer A. Semantic fields and lexical structure. – Amsterdam: North Holland, 1974; Lyons J. Semantics. 2 vols. – Cambridge: Cambridge University Press, 1977. – P. 292; Лайонз Дж. К. Введение в теоретическую лингвистику, 1977; Lipka L. Methodology and Representation in the Study of Lexical Fields. In Kastovsky, 1980. – P. 100; Leech G.N. Semantics. The Study of Meaning, 2nd ed. – Harmondsworth: Penguin, 1981. – P. 93; Wierzbicka A. Apples are not a «kind of fruit»: The Semantics of human categorization. American Ethnologist, 11, 1984. – P. 313-328; Cruse D.A. Lexical semantics. – Cambridge, England: Cambridge University Press, 1986. – P. 137; Bolinger D. About furniture and birds. Cognitive Linguistics 3, 1992. – P. 111-117; Fellbaum C. WordNet: an electronic lexical database. – Cambridge, MA: MIT Press, 1998; Murphy M.L. Hyponymy and Hyperonymy. – Brighton, UK: University of Sussex, 2006. – P. 446-448.

<sup>4</sup> Miller G.A., Johnson-Laird P.N. Language and Perception. – Cambridge, MA: Harvard University Press, 1976. – P. 241; Lyons J. Semantics. – London, England: Cambridge University Press, 1977. – P. 292; Cruse D.A. On the transitivity of the part-whole relation // Journal of Linguistics, 15, 1979. – P. 29-38; Smith B., Mulligan K. Pieces of a theory. In B. Smith (Ed.), Parts and moments: Studies in logic and formal ontology. – Munich: Philosophia Verlag, 1982. – P. 17; Markman E.M. Two different principles of conceptual organization. In M.E.Lamb & A.L.Brown (Eds.), Advances in developmental psychology. – Hillsdale, NJ: Erlbaum, 1982; Liu J., Wang X., Zhang M. The part-whole relationships concerning number and arithmetic. In H.W.Stevenson & Q.Jing (Eds.), Issues in cognition: Proceedings of a joint conference in psychology. – Washington, DC: National Academy of Sciences, 1984; Tversky B., Hemenway K. Objects, parts and categories. Journal of Experimental Psychology: General, 113, 1984. – P. 170-193; Herrmann D.J., Chaffin R., Winston M. Robbins are parts of birds: The confusion of semantic relations. Bulletin of the Psychonomic Society, 24, 1986. – P. 413-415; Winston M.E., Chaffin R., Herrmann D. A Taxonomy of Part-Whole Relations // A Multidisciplinary Journal: Cognitive Science, 1987. Volume 11, Issue 4. – P. 421-422.

Ўзбек тилшунослигида тил бирликларининг муҳим семантик-системавий муносабатини таъминлайдиган энг муҳим, кўп қиррали қарама-қаршилик категориясининг тилдаги ифодаловчиси саналадиган *антонимия* ҳодисаси С.Муталлибов, С.Усмонов, А.Ишаев, Р.Шукуров, Ш.Раҳматуллаев, Н.Маматов, Б.Исабеков, Д.Абдуллаева, Ё.Одилов<sup>1</sup> сингари тилшунос олимлар илмий тадқиқот ишларининг асосий объекти сифатида ёритилган. Ўхшашлик категорияси асосида шаклландиган *синонимия* ҳодисасининг ўрганилиш тарихи масалалари эса С.Исамуҳамедова, У.Турсунов, Н.Ражабов, Р.Юнусов, Б.Данияров каби олимлар ишларида тадқиқ қилинганлиги кузатилса, лексик синонимия масалалари А.Ҳожиев, С.Усмонов, И.Қўчқортоев, И.А.Сиддиқова каби лингвист олимлар томонидан ўрганилган, А.Дониёров<sup>2</sup>нинг номзодлик иши эса стилистик синонимияга бағишланган. *Гипонимия* категорияси доирасида олиб борилган тадқиқотлар сирасига Р.Сафарованинг<sup>3</sup> номзодлик диссертациясини келтириш мумкин. Ўзбек тилида сўзлараро маъновий муносабатлар синонимия ва антонимия билан чекланмаслиги масаласи айнан Р.Сафарованинг номзодлик диссертациясида ўз аксини топган. Натижада янги турдаги ЛМГ (луғавий маъно гуруҳ)лар, яъни гипонимик ЛМГлар ажратила бошланган. Бироқ шу кунга қадар турли тизимли тилларда, яъни инглиз ва ўзбек тилларида сўзлараро маъновий муносабатларнинг, хусусан, антонимия, синонимия, плесионимия, гипонимия, меронимия/партонимия сингари категорияларнинг структур ва функционал хусусиятлари, уларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари чоғиштирма аспектда тўлалигича тадқиқ қилинмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Урганч давлат университети илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Қиёсий тилшуносликнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

---

<sup>1</sup> Муталлибов С. Антоним сўзлар // «Совет мактаби» журн., 1955, – № 4. – Б. 28-30; Усмонов С. Антонимлар // «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журн., 1958. – № 2. – Б. 33-40; Ишаев А. Шаклдош антонимларга доир этюдлар // «Ўзбек тили ва адабиёти» журн., 1967. – № 1. – Б. 16; Шукуров Р. Ўзбек тили антонимларининг лексик-семантик табиати. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1973; Исабеков Б. Ҳозирги ўзбек тилида лексик антонимия. Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1973; Шукуров Р. Ўзбек тилида антонимлар. – Т.: Ўзбекистон ССР Фан нашриёти, 1977. – 150 б.; Раҳматуллаев Ш., Маматов Н., Шукуров Р. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 231 б.; Абдуллаева Д. Ўзбек тилида антисемия. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010; Одилов Ё. Ўзбек тилида энантиосемия. Доктор. дисс. автореф. – Тошкент, 2016.

<sup>2</sup> Исамуҳамедова С. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида синонимлар. Филол. фан. ном. ... дис. – Тошкент, 1963. – Б. 4-24; Дониёров А. Ҳозирги ўзбек тилидаги синонимлар сўзларнинг стилистик функциялари. Филол. фан. ном. ... дис. – Самарқанд, 1967. – Б. 5-29; Турсунов У., Ражабов Н. Ўзбек тили лексикасининг баъзи масалалари. – Самарқанд: СамДУ, 1971. – Б. 81-93; Юнусов Р. Полисемия и синонимия имен существительных места в современном узбекском литературном языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1974; Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 307 б.; Данияров Б. Проблемы лексической синонимии узбекского языка: коннотативный аспект семантики номинативных единиц. – М., 1994. – С. 15-93; Сиддиқова И.А. Синонимия языка и её кодификационные основы. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 2012. – С. 18.

<sup>3</sup> Сафарова Р. Ўзбек тилида гипонимия // “Ўзбек тили ва адабиёти” журналы, 1987. – № 1; Сафарова Р. Гипонимик қаторда полисемия ва омонимия. Ўзбек тилини синхроник ўрганиш масалалари. – Тошкент, 1987; Сафарова Р. Гипонимия в узбекском языке (на материале общеупотребительных зоонимов). Автореф. дисс. канд. фил. наук. – Ташкент, 1990.



**Тадқиқотнинг мақсади** инглиз ва ўзбек тилларида семантик категорияларнинг структур ҳамда функционал хусусиятлари, уларнинг ўхшаш, фарқли жиҳатларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

семантик категориялар тадқиқи ва илмий асосларига оид маълумотларни ўрганиш орқали чоғиштирилаётган тилларда семантик категорияларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

инглиз тилида антонимия, синонимия, плесионимия, гипонимия, меронимия/партонимия категорияларининг структур жиҳатларини таҳлил қилиш;

инглиз ва ўзбек тилларида антонимия, синонимия, плесионимия, гипонимия, меронимия/партонимия категорияларининг структур жиҳатларидаги ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларни очиб бериш;

инглиз ва ўзбек тилларида антонимия, синонимия, плесионимия, гипонимия, меронимия/партонимия категорияларининг функционал жиҳатларидаги ўзига хосликларни чоғиштира тилшунослик нуқтаи назаридан аниқлаб, уларнинг янги функционал хусусиятларини далиллаш;

инглиз ва ўзбек тилларида синоним ва антонимларнинг сўз туркумларига мансублиги нуқтаи назаридан структур хусусиятларини лексикографик ёндашув орқали тадқиқ қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** лексикографик луғатлар ва бадий манбаларда келтирилган сўзлараро маъновий муносабатлар, хусусан, антонимия, синонимия, плесионимия, гипонимия, меронимия/партонимия категориялари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** инглиз ва ўзбек тилларидаги сўзлараро маъновий муносабатларнинг структур ва функционал хусусиятларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация мавзусини ёритишда семантик ва компонент, контекстуал, чоғиштира усуллари, шунингдек тил корпусига асосланган таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

чоғиштирилаётган тилларда антонимиянинг тескари маъноли сўзнинг инкор суффикслари орқали ясалиши ва маъно зидлиги, синонимиянинг туб сўздаги маънодошликка эгаллиги, плесионимия категориясининг яқин маъноли жуфтларнинг битта гап таркибида қўлланилиши, гипонимиянинг тур-жинс жиҳатидан гуруҳлардаги лексемаларга эга бўлиши, меронимия/партонимия категориясининг бутун-бўлак муносабатлардаги комплементарлик сингари структур жиҳатдан ўзаро фарқлари мавжудлиги далилланган;

инглиз тилида лотин тилидан кириб келган ўзлашмаларнинг ўзгаришсиз жуфт ҳолда қўлланилиши ҳамда битта синонимик қатор аъзоси бўлмаган сўзларнинг битта гап таркибида плесионим бўлиб келиш ҳолатлари, ўзбек тилида ўзлашган сўзларнинг синонимик қаторлардан жой олиши асосланган;

инглиз ва ўзбек тилларида меронимик/партонимик муносабатларнинг мажбурий компонентларидаги фарқлар, гипонимик муносабатларда ко-гипонимларнинг сон жиҳатдан ҳар хиллиги ва антонимиянинг *таъкид функциясини* бажариши далилланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги синоним ва антонимлар луғатларида келтирилган лексик бирликларнинг алфавит тартибида ва сўз туркумлари

кесимидаги материаллари ўзбек тили лингвистик корпусини шакллантиришда ҳамда English FrameNet платформаси асосида Uzbek FrameNet прототипини яратишда манба бўлиши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот ишининг амалий натижалари «Инглиз тили лексикологияси», «Қиёсий тилшунослик», «Қиёсий типология», «Инглиз тили стилистикаси» фанларига оид мавзуларнинг чуқур ўзлаштирилишига ва ушбу фанлардан яратилдиган дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий мажмуаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилган;

антонимиянинг тилшуносликда аниқланган бир қатор функциялари сирасига таъкид функциясини қўшиш таклиф этилган;

диссертацияда келтирилган фикр-мулоҳазалар, илмий ёндошувлар турли қурилишли тилларнинг мураккаб бирликлари таркибидаги сўзлараро маъновий муносабатларни ўрганишда илмий манба сифатида хизмат қилиши билан бир қаторда, мавжуд луғатлардаги изоҳ ва шарҳларни мукаммаллаштириш, лексикологик маълумотларни компьютерлаштиришда ҳам қўлланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот ишида қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мавжуд лингвистик назарияларга мослиги, чоғиштирма тилшунослик нуқтаи назаридан келтирилган муаммолар юзасидан илмий қарашларнинг ўрганилганлиги, мисол ва масалаларнинг ишончли манбалардан олинганлиги, инглиз ва ўзбек тилларида таҳлилга тортилган материалларнинг методологик пухталиги, асослилиги, диссертация иши бўйича илмий асосланган назарий хулосалар чиқарилганлиги, таклиф, тавсия ва хулосалар асосида олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қиёсий тилшунослик, инглиз ва ўзбек тиллари лексикографияси, лексикологияси, прагматикаси ва семантикаси, таржима назарияси ва амалиёти бўйича назарий манба яратишда, махсус курслар учун қўшимча материаллар беришда, дарслик ҳамда қўлланмаларни шакллантиришда, инглиз ва ўзбек тилларидаги семантик категорияларнинг замонавий академик ва ўқув луғатларини такомиллаштиришда фойдаланилиши билан изоҳланади ва шу ўринда диссертацияда келтирилган фикр-мулоҳазалар турли тизимли тилларда сўзлараро маъновий муносабатларнинг структур ва функционал хусусиятларини тадқиқ қилишда илмий манба сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан мавжуд луғатлардаги изоҳ ва шарҳларни мукаммаллаштириш, лексикологик маълумотларни компьютерлаштириш, тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган амалий тавсиялар ёрдамида турли тизимли тиллардаги янги тил корпусларини яратишда кенг фойдаланиш мумкин, бундан ташқари турли методик тавсияномаларни тузишда, олий ўқув юртларида инглиз ва ўзбек тилларининг замонавий ўқув луғатлари, дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларни яратишда янги манба сифатида хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сўзлараро маъновий муносабатларнинг структур ва функционал хусусиятларини (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида) чоғиштирма тадқиқ қилиш доирасида олинган натижалар қуйидаги ишларда жорийланган:

чоғиштирилаётган тилларда антонимиянинг тескари маъноли сўзнинг инкор суффикслари орқали ясалиши ва маъно зидлиги, синонимиянинг туб сўздаги маънодошликка эгаллиги, плесионимия категориясининг яқин маъноли жуфтларнинг битта гап таркибида қўлланилиши, гипонимиянинг тур-жинс жиҳатидан гуруҳлардаги лексемаларга эга бўлиши, меронимия/партонимия категориясининг бутун-бўлак муносабатлардаги комплементарлик сингари структур жиҳатдан ўзаро фарқлари борасидаги хулосалардан «Ичан-Қалъа» давлат музей қўриқхонасининг экспозицияларидаги экспонатларнинг аннотация-этикетларини инглиз тилида тўғри ёзишда ва экскурсия жараёнларида, шунингдек, Ўзбекистондаги АҚШ элчихонаси томонидан «Ичан-Қалъа»даги Тошҳовли саройини таъмирлаш учун ажратилган S-Z800-19-GR-0146 гранти ҳужжатларини таржима қилиш, жавоб тайёрлаш ва ҳисоботларини юргизишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 17 сентябрдаги 01-12-10-3495-сон маълумотномаси). Натижада мазкур диссертацион иш хулосалари инглиз тилида ёзилган тарихий асарларда келтирилган кўплаб сўзларнинг маъноларини чуқур англаб етишда, айниқса, қадимий Хива шаҳри бўйлаб экскурсия ўтказувчи гид-йўлбошчилар учун фойдали манба сифатида хизмат қилган;

инглиз тилида лотин тилидан кириб келган ўзлашмаларнинг ўзгаришсиз жуфт ҳолда қўлланилиши ҳамда битта синонимик қатор аъзоси бўлмаган сўзларнинг битта гап таркибида плесионим бўлиб келиш ҳолатлари, ўзбек тилида ўзлашган сўзларнинг синонимик қаторлардан жой олиш ҳодисалари доирасида ишлаб чиқилган тавсия ва таклифлардан профессор-ўқитувчилар учун яратилган ва татбиқ қилинган «Инглиз тили» курсини яратишда Эрасмус+ дастурининг 561574-EPP-1-2015-1-ES-EPPKA2-SBHE-IP-ECCUM: «Establishment of Computing Centers and Curriculum Development in Mathematical Engineering Masterprogramme» грант лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 10 ноябрдаги 89.03-4546-сон маълумотномаси). Натижада мазкур курс таркиби мукаммаллашиб, инглиз ва ўзбек тилларида фойдаланувчилар учун сезиларли қулайликлар яратилган;

инглиз ва ўзбек тилларида меронимик/партонимик муносабатларнинг мажбурий компонентларидаги фарқлар, гипонимик муносабатларда ко-гипонимларнинг сон жиҳатдан ҳар хиллиги ва антонимиянинг *таъкид функциясини* бажаришига доир хулосалардан Хоразм вилояти Туризмни ривожлантириш департаменти томонидан Хоразм ва Хива шаҳри тарихи ва анъаналарига доир туристик тарқатма материалларнинг таржимасида ҳамда Хива «Ичан-Қалъа» давлат музей қўриқхонаси тарихий обидалари борасидаги гид таржимонларнинг тил кўникмаларини ривожлантириш доирасида ва экскурсоводларнинг амалий таржима жараёнларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 23 сентябрдаги 02-16/4400-сон маълумотномаси). Натижада тарихий обидалар тўғрисидаги маълумотларнинг

таржимасида ва гидларнинг оғзаки тушунтиришларида лексик-семантик муносабатларнинг, семантик категорияларнинг асл мазмуни сақлаб қолинган ҳамда сайёҳларга тўлиқ маълумот етказилиши таъминланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги синоним ва антонимлар луғатларида келтирилган лексик бирликларнинг алфавит тартибида ва сўз туркумлари кесимидаги материаллари ўзбек тили лингвистик корпусини шакллантиришда ҳамда English FrameNet платформаси асосида Uzbek FrameNet прототипини яратиш доирасида шаклланган илмий натижа ва илмий тавсиялардан Америка Қўшма Штатларининг Вайоминг штатида асос солинган «Access the World with World Languages and Cultures» ташкилоти иштирокчилари ва тил ўрганувчилари учун чет тил ўқитиш манбаси сифатида фойдаланилган (Вайоминг давлат университети ҳузуридаги «Дунёни жаҳон тиллари ва маданиятлари билан англа» ноτιжорат ташкилотининг 2020 йил 5 сентябрдаги маълумотномаси). Натижада мазкур диссертация иши она тили инглиз ёки бошқа дунё тиллари ҳисобланадиган, турли миллатга мансуб ўқувчи (тил ўрганувчи)ларга ўзбек тилининг грамматик, лексик ва морфологик сатҳини изоҳлар ёрдамида тушунтиришда, чет тил ўқитишнинг интерфаол усулларида фойдаланган ҳолда кўшимча ўқув материаллари тайёрлашда, ўқувчиларнинг инглиз ва ўзбек тилларида ўзаро мулоқотга кириша олишлари учун муҳим омиллардан саналадиган тинглаш, гапириш, ёзиш ва ўқиш каби тил кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги сўзлараро маъновий муносабатларнинг ўзига хос жиҳатларини чоғиштириб ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялардан Хоразм вилояти телерадиокомпанияси томонидан 2020 йил 11 июл куни эфирга узатилган «Ассалом, Хоразм!» дастурида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Хоразм вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 15 июлдаги 1043-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатилган илмий таҳлил методлари, компонент таҳлил усуллари, тадқиқот ишининг илмий ва амалий аҳамиятига доир келтириб ўтилган маълумотлар интеллектуал туркумдаги кўрсатув материалларини тайёрлаш ва бойитишда янги манба бўлиб хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот иши натижалари 10 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та, хорижий илмий журналларда 3 та илмий мақола, халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида 13 та тезис нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 145 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Сўз семантикаси тадқиқининг илмий асослари» деб номланган биринчи бобида семантика соҳасидаги ёндашувлар ва илмий тадқиқотлар, инглиз тилшунослигида семантик категорияларнинг ўрганилиши, ўзбек тилшунослигида сўзлараро маъновий муносабатларнинг тадқиқи каби масалалар ёритилган.

Семантиканинг мустақил фан сифатида пайдо бўлишини Х.Кронассер инглиз файласуфи Дж.Локк асарининг кенг жамоатчилик эътиборига тақдим этилиши билан боғлайди ва XVII аср ўрталарига тегишли деб ҳисоблайди<sup>1</sup>. Лингвистик семантика (лингвистическая семантика) атамасининг яратилиши эса XIX асрга тегишлидир, деган қараш мавжуд. 1839 йилда немис тилшуноси К.Райзиг фанга «маъно ҳақидаги фан» – «семасиология» (нем. Semasiologie, шунингдек, юнонча «semaio» – англатор, «semasia» – маъно) номини тақлиф этади ва уни грамматик соҳалардан бири сифатида тадқиқ этади<sup>2</sup>. Асосий йўналишлар ва замонавий лингвистик семантика мактаблари ҳақида гап кетар экан, инглиз файласуф-мантиқшуноси У.Куайн изоҳлаб ўтганидек, ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, уларни *кучли (ташқи)* – сильная (внешняя) ва *кучсиз (ички)* – слабая (внутренняя) семантикага тегишли деб ҳисоблаш мумкин<sup>3</sup>. Иккала оқим вакиллари ҳам семантиканинг ўрганиш соҳаси тил бирликларининг маъно тадқиқи деб ҳисоблашса-да, маъно тушунчасини турли йўсинда талқин қилишади.

Семантика соҳаси тадқиқида ўзининг муҳим аҳамияти ва таъсирига эга бўлган мактаблардан бири Москва семантика мактаби (Московская семантическая школа (МСШ)) саналади. У ўтган асрнинг 60-йилларида канадалик тилшунос Мельчук И.А. ва рус тилшуноси Апресян Ю.Д.<sup>4</sup> томонидан асос солинган илмий

<sup>1</sup> Кронгауз М. Семантика. Учебник для студ. лингв. фак. высш. учеб. заведений. 2-е изд., испр. и доп. – М.: Издательский центр «Академия», 2005.

<sup>2</sup> Reisch Ch. C. Vorlesungen über lateinische Sprachwissenschaft. – Leipzig, 1839.

<sup>3</sup> Кобозева И.М. Лингвистическая семантика. Учебное пособие. – М.: Эдиториал УРСС, 2000. – С. 25.

<sup>4</sup> Апресян Ю.Д. Об экспериментальном толковом словаре русского языка // Вопросы языкознания, 1968. – № 5. – С. 34-49; Апресян Ю.Д., Жолковский А.К., Мельчук И.А. О системе семантического синтеза. III. Образцы словарных статей. // Научно-техническая информация, 1968. Серия 2. – № 11. – С. 8-21; Апресян Ю.Д., Жолковский А.К., Мельчук И.А. Об одном способе изучения сочетаемости слов // Русский язык в национальной школе, 1969. – № 6. – С. 61-71; Апресян Ю.Д. О языке для описания значений слов // Известия АН СССР, Серия литературы и языка, 1969. – № 5. – С. 415-428; Апресян Ю.Д., Zholkovsky A.K. and Mel'chuk I.A. Semantics and Lexicography: Towards a New Type of Unilingual Dictionary // Studies in Syntax and Semantics. ed. by F. Kiefer. – Dordrecht-Holland, 1969. – P. 1-33; Апресян Ю.Д. Толкование лексических значений как проблема теоретической семантики // Известия АН СССР, Серия литературы и языка, 1969. – № 1. – С. 39-57; Апресян Ю.Д. Типы информации для поверхностно-семантического компонента модели «Смысл Û Текст». – Wien: Wiener Slawistischer Almanach. Sonderband 1, 1980. –

тадқиқот маркази ҳисобланиб, лексемани унинг маъноларидан биридаги сўз сифатида тавсифлаш ва лингвистик маънолар тадқиқида асосий восита сифатида талқин қилиш билан шуғулланадиган семантикадаги йўналиш саналади. Ушбу мактабнинг биринчи тамойили тил тавсифига тизимли ёндашув ҳисобланса, иккинчи ва учинчи тамойиллар доирасида интеграллик тушунчаси остида тилшунослик соҳалари саналадиган грамматика ва луғатшуносликнинг ўзаро боғлиқликда, ўзаро келишилган ҳолда иш олиб боришлари назарда тутилади. Тўртинчи тамойил орқали мураккаб маъноларни содда маънолар орқали тавсифлаш келтирилса, бешинчи тамойил семантик ва бошқа лингвистик билимларни лексикографик соҳага йўналтириш ва жорийлантириш масалалари асосида шаклланганлиги тушунилади.

Дастлабки лингвистик таҳлилларни таснифлаш (классификация) тизими сўзлараро маъновий муносабатлар 5 та асосий оилага ажратилиши ҳақида гувоҳлик беради. Яъни улар фарқлилик ёки тафовут (*contrast*), тур (туркум)га мансублик (*class inclusion*), ўхшашлик (*similars*), боғлиқлик муносабатлари (*case relations*) ва бўлак-бутун (*part-whole relations*) каби муносабатлардир<sup>1</sup>. Ваҳоланки, бу таснифлаш тизими яқдиллик билан қабул қилинган дея олмаймиз, чунки айрим тилшунос тадқиқотчилар синфга мансублик (*class inclusion*) ва бўлак-бутун (*part-whole relations*) муносабатларини бир хил гуруҳ вакиллари деб ҳисоблашса<sup>2</sup>, бошқа бир гуруҳ олимлар бу парадигмаларнинг турли хил гуруҳларга мансуб эканлигини таъкидлашган<sup>3</sup>.

Ўзбек тилшунослиги тарихида ҳам сўз ва унинг маънолари хусусида олиб борилган илмий изланишлар жуда узоқ тарихга эгадир. Шунга қарамасдан, ўзбек тилшунослигининг алоҳида бир йўналиши ва таркибий қисми сифатида лексикологиянинг ўзбек тили тизимида лексик сатҳнинг ўрни ва лексик бирликларни ўрганувчи маълум бир бўлим сифатида тадқиқ қилиниши ва мазкур бўлимнинг бошқа бўлимлар билан муносабатига бағишланган масалаларнинг ёритилиши эса айнан XX асрнинг ўрталарига тўғри келади.

Ўзбек тили лексикасининг ривож, унинг тарихий қатламлари, унда умумтуркий, ўзбек, форс, тожик, араб, рус ва бошқа тилларга доир сўзларнинг ўрни ҳақида дастлабки маълумотлар тилшунос Фаҳри Камол томонидан келтирилганлиги хусусида профессор А.Нурмоновнинг қуйидаги фикрларини кузатишимиз мумкин: «Ўзбек тили лексикасининг шаклланишида Фаҳри Камолнинг «Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар» мавзуси остида чоп этилган «Ўзбек тили лексикаси» ва Я.Д.Пинхасовнинг «Ҳозирги ўзбек тили

---

119 р.; Апресян Ю.Д. Интегральное описание языка и системная лексикография. Избранные труды. Т. II. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1995. – 766 с.; Апресян Ю.Д. Исследования по семантике и лексикографии. Том 1. Парадигматика. – Москва: Школа «Языки славянских культур», 2009; Апресян Ю.Д. Интегральное описание языка и системная лексикография. Извлечения из одноименной монографии в переводе на китайский язык. – Peking: Peking University Press, 2011. – 338 с.

<sup>1</sup> Evens M.W., Litowitz B.E., Markowitz J. A., Smith R.N. & Werner O. Lexical-semantic relations: A comparative survey (Current Inquiry into Language and Linguistics No. 34). Carbondale, IL and Edmonton. – Ontario, Canada: Linguistic Research, Inc. 1980; Whitehurst G.J. Meaning and semantics. In G.J. Whitehurst & B.J. Zimmerman (Eds.). The functions of language and cognition. – New York: Academic Press, 1979; Woodworth R.S. Experimental psychology. – New York: Holt, 1983.

<sup>2</sup> Trautsholdt in Warren H.C. A history of the association psychology. – New York: Scribner's, 1921. – P. 248.

<sup>3</sup> Aschoffenburg in Warren, 1921. – P. 249; Kraepelin in Warren, 1921. – P. 250.

лексикаси» рисоалари ҳамда «Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар» эълон қилинган барча рисоаларни ўзида жамлаган «Ҳозирги замон ўзбек тили» асари катта аҳамиятга эга бўлди»<sup>1</sup>. Шунингдек, ўзбек тили лексикасининг тарихий қатламлари ва ҳар бир қатламни ўрганишга бағишланган асар Э.Бегматов томонидан ёзилган бўлиб, ушбу асар кўчма маъно турлари, уларнинг ҳосил бўлиш йўлларидаги муаммоларни ёритиш, кўчимларнинг у ёки бу турларини тадқиқ этишда ўз ўрни ва қимматига эга<sup>2</sup>. Хусусан, ўзбек тили лексемаларининг кўчма маъноларини чуқурроқ ўрганиш, метафора, метонимия каби ҳодисаларнинг лингвистик моҳиятини очиб беришда тилшунос олималар Г.Қобулжонова, Р.А.Суюнованинг ишларини эътироф этиш лозим<sup>3</sup>.

Р.Сафарованинг таърифига кўра, ўзбек тилшунослигида систем лексикология шаклланиб, тараққий этиш йўллари қуйидаги босқичларга бўлинади:

«а) биринчи босқич. Сўз ва лексема орасидаги фарқ, семалар ва уларни таркибий қисмларга ажратиш йўллари, айрим сўз жуфтларининг семантик таркибини (структурасини) аниқлашда намоён бўлади;

б) иккинчи босқич. Систем лексикологиясининг тараққиёт босқичи сўзларни тематик ва лексик-семантик гуруҳларга бирлаштириб, маънони таркибий қисмларга ажратиш ўрганиш билан характерланади. Худди шу босқичда ўзбек тили лексикологиясида ҳам сўзларни лексик-семантик гуруҳларга бирлаштириб ўрганиш, яъни систем тилшунослик, систем лексикология асослари шаклланади. Худди шундай асосга таянган ҳолда систем лексикологияда алоҳида лексик-семантик гуруҳлар сифатида асосан синонимик маънолар асосида боғланган лексик парадигмалар, антоним маънога эга бўлган сўзлар гуруҳи, турли тематик ва лексик-семантик қаторлар, лексик парадигмалар тадқиқот манбаи бўлиб келди»<sup>4</sup>.

Сўзлараро муносабатларнинг таҳлилига бағишланган тадқиқот ишларини ўрганиб чиқиш жараёнида шу нарсага амин бўлдикки, баъзи бир семантик категориялар ўз она тилимиз хусусиятидан келиб чиқиб тадқиқ этилган бўлса, баъзилари Европа тиллари қолиплари асосида амалга оширилган. Бу ишларнинг ҳар хил ёндашувлар асосида амалга оширилишидаги асосий сабаблардан бири сўзларнинг маъно жиҳатларини тадқиқ этишда тил ички имкониятлари, луғавий маъно хилма-хиллиги ёки семантик категориянинг ўз она тилимиздаги функционал хусусиятлари эътиборга олинганлиги ёки эътибордан четда қолганлигидадир. Синонимияга бағишланган ишларни кўриб чиқадиган бўлсак, Р.Сайфуллаеванинг «Синонимия повествовательных предложений в современном узбекском языке» мавзусидаги номзодлик диссертациясининг асосий мақсади ўзбек тилида синтактик синонимларнинг

<sup>1</sup> Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Олий ўқув юртлари ўзбек филологияси факультетларининг талабалари учун ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 232 б. – Б. 183.

<sup>2</sup> Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Т.: Фан, 1985.

<sup>3</sup> Қобулжонова Г. Ўзбек тилида метафоранинг лингвистик талқини. НДА. – Т., 1999; Суюнова Р.А. Ўзбек тилида метонимия. НДА. – Самарқанд, 2001.

<sup>4</sup> Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатларнинг турлари. Олий ўқув юртлари талабалари ва мактаб ўқитувчилари учун қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 47 б. – Б. 3.

ўзига хос жиҳатларини аниқлаш ва таснифлаш бўлиб, олиманинг илмий хулосаларига кўра, ўзбек тилида лексик-синтактик синонимия, морфологик-синтактик синонимия мавжудлиги исботланган.<sup>1</sup> Бу каби тадқиқот ишлари синонимиянинг синтактик сатҳдаги муаммоларига ечим топилишига сабаб бўлган бўлса, кейинчалик И.А.Сиддикова ўзининг докторлик диссертациясида синонимларнинг кодификацион асослари юзасидан бир қанча янгиликларни тилшунослик соҳасига олиб кирди. Олиманинг фикрига кўра, синонимлар луғатларини тузишда синонимик қаторларга бошқа сўзлар билан синонимик муносабатга киришадиган барча сўзларни киритиш лозимлиги, ҳар бир полисемантик сўзнинг ҳар бир маъносига мос синонимлари билан бирга луғатда берилиши кераклиги, шунингдек, синонимик қаторларнинг жойлаштирилиши ўрнатилган тамойиллар асосида амалга оширилиши, яъни уларнинг ўзига хос белгиларининг сусайиши/кучайиши тартибида, уларнинг ишлатилиш кўламига ва тезлигига кўра каби белгиларни ҳисобга олган ҳолда луғатларда берилиши мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланган.<sup>2</sup>

Диссертациянинг «**Инглиз ва ўзбек тилларида семантик категорияларнинг структур хусусиятлари**» деб номланган иккинчи боби учта параграфдан иборат бўлиб, бунда чоғиштирилаётган тилларда сўзнинг парадигматик хусусиятлари, ушбу тилларда антонимия, синонимия, плесионимия категорияларининг ҳамда гипонимия, меронимия/парто-нимиянинг структур жиҳатлари сингари масалалар ёритилган.

Маъновий муносабатлар ҳақида сўз борар экан, инглиз тилшунослигида синонимия, гипонимия, антонимия/тафовут каби муносабатлар «paradigmatic semantic relations among words»<sup>3</sup>, яъни сўзлараро парадигматик семантик муносабатлар сифатида ёритилганлигини кузатишимиз мумкин. Буюк Британиянинг Сассекс университети (University of Sussex, UK) профессори Л.Мёрфи эса парадигматик муносабатлар жиҳатлари тадқиқига қуйидагича ёндашади:

1-жадвал.

«**Properties of paradigmatic relations**»<sup>4</sup>

	<b>Synonym</b>	<b>Hyponym</b>	<b>Antonym</b>	<b>Co-hyponym</b>	<b>Meronym</b>
<b>semantic relation</b>	similarity	inclusion	opposition	contrast	part/whole
<b>binary</b>	X	X	√	X	X
<b>symmetrical</b>	√	X	√	√	X
<b>transitive</b>	√	√(taxonym)	not applicable	√	sometimes
<b>lexical relation</b>	√	X	Often	sometimes	X

<sup>1</sup> Сайфуллаева Р.Р. Синонимия повествовательных предложений в современном узбекском языке. АҚД. – Т., 1982. – С. 5.

<sup>2</sup> Сиддикова И.А. Синонимия языка и её кодификационные основы. АДД. – Т., 2012. – С. 43-44.

<sup>3</sup> Murphy M.L. Lexical Meaning. – UK: Cambridge University Press, 2010. – 256 p. – P. 122.

<sup>4</sup> Юқоридаги асар. – P. 123.



Парадигматик муносабатларнинг жиҳатлари деб номланган ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, парадигматик муносабатлар кесимида синоним *ўхшашлик (similarity)*, гипоним *ўз ичига олиш, қамраб олиш (inclusion)*, антоним *қарама-қаршилик (opposition)*, ко-гипоним *фарқлилик (contrast)*, мероним *бўлак-бутун (part/whole)* хусусияти орқали семантик муносабат касб этиши акс эттирилганлиги билан бир қаторда мазкур муносабатлар бинарлик, симметриклик, ўтимлилик, лексик муносабатлилик мезонлари ёки кўрсаткичлари ёрдамида баҳоланган.

Ўзбек тилшунослигида ҳам синонимлар таснифига турлича ёндашилганини кузатиш мумкин. Шу ўринда, Ф.Камол томонидан синонимлар дастлаб гуруҳларга ажратилган бўлса, сўнгра улар тузилишига кўра қуйидаги гуруҳлар кесимида таснифланди:

«1. Айрим-айрим ҳолда ишлатиладиган, яъни якка сўзлар воситаси билан ифодаланадиган синонимлар. Бундай сўзлар содда синонимлар группасига киради. Масалан: *жасур, ботир (баҳодир), зайратли, ҳаракатчан, тиришқоқ; суст, ланж, беғам, дангаса* каби.

2. Сўзларнинг бирикуви билан юзага келган бирикмали синонимлар: *эрта билан, наҳор очмай, қуш уйгонмай* каби.

3. Маъно жиҳатидан жуда яқин ва бирлашиб кетган синонимлар. Бу хил синонимлар, одатда, бир-биридан ажратилмагани ҳолда қўш шаклда ишлатилади. Бундай сўзлар жуфт синонимлар группасига киради. Масалан: *эл-юрт, эл-халқ, соғ-саломат, бола-чақа, бахт-саодат, қаҳр-газаб, қадр-қиймат, ор-номус* ва бошқалар.

4. Эквивалентли синонимлар. Бирор тилдан иккинчи тилга маънолари бир-бирларига яқин сўзлар қабул қилиниши натижасида бир хил синонимик иборалар вужудга келади. Бундай ибораларнинг бирини иккинчисининг ўрнида қўллаш ҳам мумкин. Шу сабабли синонимларнинг бу группаси эквивалентли синонимлар саналади. Масалан: *форма ва шакл, тема ва мавзу, экономика ва иқтисод, агитация ва ташвиқот, пропаганда ва тарғибот* каби»<sup>1</sup>.

Аниқланишича, синоним бирликлар ҳам турли мезонлар асосида ҳар хил гуруҳларга бўлинган ҳолда тадқиқ қилинган. Хусусан, ўзбек тилшунослигида синонимлар асосан учта, яъни а) идеографик синонимлар, б) услуб синонимлари ва в) стилистик синонимлар гуруҳларига ажратилганлиги ҳам кузатилади. Таъкидлаш керакки, ўша даврларда мазкур классификация рус тилшунослигида кенг тарқалган таснифлардан ҳисобланарди. Сўнгра эса синонимлар ўзаро фарқига кўра, академик А.Ҳожиев томонидан тўрт гуруҳга ажратилади:

- «а) эмоционал-экспрессив бўёққа кўра фарқланувчи синонимлар;
- б) услубга кўра фарқланувчи синонимлар;
- в) адабий тилга муносабатига кўра фарқланувчи синонимлар;
- г) маънони даражалашга кўра фарқланувчи синонимлар»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Камол Ф. Ҳозирги замон ўзбек тили. – Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1957. – 528 б. – Б. 79-80.

<sup>2</sup> Ҳожиев А. Ҳозирги ўзбек тили. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 448 б. – Б. 115-116.

Шу ўринда, академик А.Ҳожиёв синонимларни идеографик, стилистик ва нутқий синоним турларига ажратилишининг назарий асоси йўқ деб ҳисоблаши, лекин ўз даввосини далиллар билан асослаб ўтмаслиги хусусида Ҳ.Шамсиддинов ўз докторлик диссертациясида эслатиб ўтган<sup>1</sup>. Олимнинг фикрича, «Синонимларнинг функционал аспектини ўрганиш тил синонимик воситаларини таснифлаш масаласини ҳал қилишга катта ёрдам беради»<sup>2</sup>. Олим ўз тадқиқот иши юзасидан олиб борган изланишлари натижасида шундай фикрга келган: «... сўзларнинг ўз маънолари орқали синонимик муносабатга киришуvidан ташқари, сўз билан тилнинг яна қандай сатҳ кўринишидаги бирликлари синонимик муносабат ташкил эта олади, уларни қайси омиллар юзага келтиради, уларнинг тилдаги вазифаси нимадан иборат деган саволни қўйиш ва унга жавоб топишдан иборат» деган саволни ўртага қўйиб, унга қуйидагича жавоб ёки ечим топганликларини таъкидлайди: «...мазкур синонимик воситаларга сўзларнинг функционал-семантик синонимлари номини беришни маъқул кўрдик»<sup>3</sup>.

Профессор И.Кўчқортоев синонимик воситаларни функционал аспектига мувофиқ классификация қилиш борасида атрофлича тўхталиб ўтган, хусусан, «нутқда ўзаро ўрин алмашадиган луғавий бирликлар миқдори лексик синонимлар миқдоридан кўп бўлгани учун бу бирликларнинг ҳаммасига нисбатан синоним (лексик синоним) терминини қўллаш мумкин эмас»лиги муаллиф томонидан таъкидланган бўлиб, тилнинг синонимик бойлиги икки қатламга ажратилади: а) синонимик воситаларнинг марказий, ядро қатлами; б) синонимик воситаларнинг периферик қатлами.

Профессор М.М.Миртожиев ҳам ўз муносабатини билдириб, синоним сўзлар бир хил бўлмаслиги шартлиги ҳақиқатлигини, бироқ тил диалектикасига хос қонуният ҳисобланадиган, яъни тилдаги мавжуд ҳар бир сўз ўзига хос товуш таркибига эгаллигини ва бу тилдаги табиий ҳолда ўзи мавжуд ҳолатни *шарт* сифатида келтириб бўлмаслигини таъкидлаб ўтади. Шунингдек, синонимларни маъно муносабатига кўра қуйидаги турларга ажратади:

«а) сўзларнинг маъно муносабати айнан бир хилликка асосланган синонимлар, яъни *абсолют синонимлар*;

б) сўзларнинг маъно муносабати умуман бир хилликка асосланган синонимлар, яъни *семантик синонимлар*»<sup>4</sup>.

Тилшунос М.Ирисқулов эса «тилларда *мутлақ синонимлар* учрамаслигининг сабаблари сифатида синонимлар бир нарса ёки ҳодисанинг ҳар хил белгиларини назарда тутиб ифодалаши туфайли доимо ҳам бири ўрнида иккинчисини қўллаб бўлмаслиги, қўлланган тақдирда ҳам уларнинг маънолари бир-бирига айнан тўғри келмаслиги»<sup>5</sup> ҳолатларини кўрсатиб ўтади. Олимнинг фикрига кўра, агар шундай синонимлар учраб қолса, улардан бири тез орада истеъмолдан чиқиб кетиши ҳақида тўхталиб, мутлақ синонимлар

<sup>1</sup> Шамсиддинов Ҳ. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари. 10.02.02-Миллий тиллар (ўзбек тили), филол. фан. доктор. диссер. – Тошкент, 1999. – 280 б. – Б. 8.

<sup>2</sup> Юқоридаги диссертация. – Б. 7-8.

<sup>3</sup> Юқоридаги диссертация. – Б. 19.

<sup>4</sup> Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010. – 288 б. – Б. 189.

<sup>5</sup> Irisqulov M. Tilshunoslikka kirish. Ikkinchi nashri. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2009. – B. 109. – 263 b.

самолёт ва аэроплан сўзларининг иккинчиси (аэроплан) ҳозирги вақтда истеъмолдан тушиб қолганини мисол тариқасида келтириб ўтади. «Синонимларнинг бу тури лексик дублетлар деб ҳам юритилишини учратиш мумкин: космос – фазо»<sup>1</sup>.

Инглиз тилшунослигида ўзбек тилшунослигидан фарқли равишда, плесионимия ҳодисаси янги категория ҳисобланмаса-да, замонавий жаҳон тилшунослигида бошқа ёндош категориялар билан муносабати кесимида ўзининг тўлиқ тадқиқотини кутаётган ҳодисалардан саналади. Ушбу ҳодисани ўрганган олимлар баъзи ишларда уларга «яқин синонимлар», яъни баъзан «near synonyms», «quasi-synonyms» деб ҳам ном беришган<sup>2</sup>. Бундан ташқари инглиз олимларидан П.Эдмондс, Г.Хирст ва бошқалар ушбу яқин синонимларни WordNet, Synset яратишда ҳам аҳамияти нақадар муҳим эканлигини ўзларининг илмий мақола ва рисолаларида таъкидлаб ўтишган. Компьютер лингвистикаси соҳасида бу каби олимлар лексемаларнинг нафақат луғавий маъноси юзасидан, балки уларнинг тил корпусларида намоён бўлишига кўра ажратган энг маъқул ёндашув эканлигини далиллашган, чунки бу каби лексемалар луғавий маъносига кўра ҳар доим ҳам бир-бирига яқин ҳисобланмаслиги мумкин<sup>3</sup>. Шунингдек, плесионимларни янада чуқурроқ тадқиқ этган олимлардан бири П.Стройохан ўзининг илмий мақоласида плесионим бу синонимларми ёки қарама-қаршилиқми деган саволни ўртага ташлар экан, айнан гап таркибида келадиган маънодош сўзлар бирор бир ҳодисани аниқлашга хизмат қилувчи синонимик қатор аъзолари бўлиши керакми ёки бир-бирига зид маъноли гапларни таққослаш маъносида ишлатилишини бир қатор таҳлиллар асосида далиллаган<sup>4</sup>. Тадқиқотимиз жараёнида бир нечта таърифларни кўриб чиқдик, назаримизда инглиз олими А.Крузнинг ушбу ҳодисага берган таърифи ҳар томонлама аниқ ва тушунарли тарзда баён қилинганлиги билан диққатимизни тортди: «Plesionyms are distinguished from cognitive synonyms by the fact that they yield sentences with different truth-conditions: two sentences which differ only in respect of plesionyms in parallel syntactic positions are not mutually entailing, although if the lexical items are in a hyponymous relation there may well be unilateral entailment. There is always one member of a plesionymous pair, which it is possible to assert, without paradox, while simultaneously denying the other member:

*It wasn't foggy last Friday – just misty.*

*You did not thrash us at badminton – but I admit you beat us.*

*He was not murdered, he was legally executed.»<sup>5</sup>.*

Юқорида келтирилган таърифда изоҳланганидек, плесионимларнинг битта қўшма гап таркибида келиши уларни когнитив синонимлардан фарқловчи жиҳати сифатида келтирилади. Шунингдек, *not exactly, more exactly, extremely,*

<sup>1</sup> Anorbekova A., Mirzayeva Sh. Hozirgi o'zbek adabiy tili. – Toshkent: Bayoz, 2016. – B. 72. – 400 b.

<sup>2</sup> DiMarco Ch., Hirst G., Stede M. The semantic and stylistic differentiation of synonyms and near-synonyms. In AAAI Spring Symposium on Building Lexicons for Machine Translation. – Stanford, CA: March. Dorr, Bonn, 1993. – P. 114-121.

<sup>3</sup> Edmonds P. Translating near-synonyms: Possibilities and preferences in the interlingua. In Proceedings of the AMT A/SIG-IL Second Workshop on Interlinguas, Langhorne, New Mexico State University, 1998. – P. 23-30.; Edmonds P. Semantic Representations of Near-Synonyms for Automatic Lexical Choice. Ph.D. thesis, University of Toronto, 1999.

<sup>4</sup> Storjohann P. Plesionymy: A case of synonymy or contrast? Journal of Pragmatics, 41(11), 2009. – P. 2140-2158.

<sup>5</sup> Cruse D. A. Lexical semantics. – Cambridge, England: Cambridge University Press, 1986. – 310 p. – P. 285.

*not, just* каби бирликларнинг қўлланилиши ўзаро плесионим бўлишнинг асосий шартларидан бири сифатида ифодаланади.

Ўзбек тилидаги сўзлар мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, бунда *ўрмон* – бир-бирига ва ўсиш шароитига таъсир этувчи ва географик ландшафт элементини ҳосил қилувчи дарахтсимон ўсимликлар мажмуи, дарахтлар зич ўсган жой. *Улар фақат кечга яқин қалин ўрмон билан ўралган кичкинагина бир қишлоққа етиб келишди* (А.Раҳмат. Соқов бола<sup>1</sup>); *ёғоч I – дарахт, оғоч. Отабек ҳовлининг ўртасида, тут ёғочининг ёнига келиб тўхтаган ва жанубда киши йўқми, деб аланлар эди* (А.Қодирий. Ўтган кунлар<sup>2</sup>); *тахта* – ҳодадан узунасига тилиб олинган ясси ёғоч бўлаги. *Биринчи хонага кираверишда узун энли тахта қўйилибди* (С.Сиёев. Ёруғлик<sup>3</sup>).

Ж.Ш.Джумабаева муаллифлигидаги «Турли тизимли тилларда лексик ва стилистик градуонимия» номли монографиянинг градуонимия ва плесионимия, уларнинг фарқлилик ва ўхшашлик белгилари тадқиқига бағишланган параграфидан ушбу масала атрофлича таҳлил қилинганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, «Плесионимия – лексик-семантик категория бўлиб, битта гапда қўлланилишига қарамасдан, бир-биридан маъно жиҳатидан фарқ қилувчи, гапдаги мазмунга аниқлик киритувчи жуфт квазисинонимлар ҳисобланади»<sup>4</sup>, деб келтирилади. Бунда градуонимия ва плесионимия ўртасидаги фарқлилик, шу билан бир қаторда ўзаро ва жуда яқин бўлган ўхшаш жиҳатлари, плесионимия ва стилистик даражаланишнинг айрим ҳолатларда бир хил бўлиши мумкинлиги ҳолатлари, мазкур категорияларнинг турли тизимли тилларда, яъни инглиз ва ўзбек тилларидаги тадқиқи масалалари ёритилган.

Инглиз ва Европа тилшунослигида гипонимия (*hyponymy*) категорияси лексик-семантик муносабатлар доирасида кенг миқёсда тадқиқ қилинган ҳодисалардан саналади. Буни биз Дж.Лайонз, Ж.Катц, Д.М.Мёрфи, Д.Болингер, Д.Круз, Л.Липка, А.Уфимцева, Д.Новиков В.Гак, Д.Денисов каби олимларнинг илмий ишларида кузатдик. Гипонимия (*hyponymy*) ва номувофиқлик (*incompatibility*) ҳодисаларини маънонинг энг асосий парадигматик муносабатлари сифатида тавсифлаган Дж.Лайонз иккала муносабат ҳам асосан бир-бирига ўзаро боғлиқ ҳолда луғат тузилиши учун ниҳоятда муҳим саналишини таъкидлайди. Тилшунос олим *гипонимия* ҳодисасига бир томонлама импликация (*unilateral implication*), яъни лексемаларнинг бир хил синтактик ҳолатдаги мантиқий импликацияси нуқтаи назаридан таъриф беради<sup>5</sup>. Бунда тобелик ёки гипоним (*subordinate term or hyponymy*) ҳар доим гипероним (*superordinate*), яъни тизимда лексик бўшлиқ мавжуд бўлиши муқаррарлиги туфайли баъзида табиий тил доирасида учрамаслиги мумкин бўлган атамани ифодалаб келиши таъкидланади.

Гипонимик қатор доминантаси ҳисобланадиган *гипероним* тушунчасининг *гипоним* атамаси билан чалкашиб кетиш хавфи борлиги сабабли айрим

<sup>1</sup> ЎТИЛ – Ў ҳарфи. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энцикл., 2006-2008. – Б. 167.

<sup>2</sup> ЎТИЛ – Ё ҳарфи. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энцикл., 2006-2008. – Б. 59.


<sup>3</sup> ЎТИЛ – Т ҳарфи. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энцикл., 2006-2008. – Б. 17.

<sup>4</sup> Джумабаева Ж.Ш. Турли тизимли тилларда лексик ва стилистик градуонимия. Монография. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2017. – Б. 121.

<sup>5</sup> Lyons J. Introduction to theoretical linguistics. – Cambridge: Cambridge University Press, 1968. – P. 455.

тилшунос олимлар томонидан *архилексема* (archilexeme) атамаси билан номланиши кузатилади<sup>1</sup>. Ушбу атама Прага мактаби тилшунослари томонидан фойдаланиладиган *архифонема* (инг. тил. *archiphoneme*, нем. тил. *Archiphonem*) фонологик атамасига қиёсий равишда ишлаб чиқилган. Мазкур ҳодисада /d/ ва /t/ (масалан, немис тилида *Rad* ва *Rat*) фонемалари ўртасидаги қарама-қаршилиқни нейтраллаштириш /Т/ *архифонемаси* орқали ифодаланади. Немис тилшунослигида бу ҳолат кўпинча *Auslautverhärtung* деб юритилади.

Иерархиянинг бир хил даражасида турган гипонимлар ко-гипонимлар (co-hyponyms), баъзан со-гипонимлар (рус тилшунослари қўллайдиган вариант) деб юритилади. Мазкур маъновий муносабат табиати ва шу юзасидан бир қатор тилшунослар томонидан қўлланиладиган терминология тасвири қуйидаги диаграмма орқали ифодаланганлигини кузатишимиз мумкин:



Дж.Лайонз *tulip* ва *flower* бирликлари ўртасидаги асимметрик импликацияни (unilateral/asymmetrical implication) «чин гипонимия» («proper hyponymy») дея аниқлайди<sup>3</sup>. У шунингдек, гипонимия принципи «бизга шароитга кўра тур-жинс муносабатини янада умумийроқ ёки аниқроқ ифодалашимизга имкон яратади», деган ғояни илгари суради. Худди шу саҳифада синонимия гипонимиянинг махсус ҳолати, яъни «симметрик гипонимия» («symmetrical hyponymy»), деб талқин қилиш мумкинлиги таъкидланади. Хусусан, агар *x* у нинг гипоними бўлса ва шу билан бирга *y* ҳам *x* нинг гипоними бўлса, *y* ҳолда *x* ва *y* ўзаро ко-гипоним саналиши ҳам бир қанча мисоллар асосида далилланган. Шундай қилиб, мантиқий импликация иккала лексик маъно муносабатлари учун ҳам яширин, кўринмас асос вазифасини бажариши мумкин.

Тадқиқ қилинаётган яна бир семантик категория – меронимия, ушбу муносабатларни таҳлил қилар эканмиз, уларнинг структур жихатдан тадқиқ этилмаганлигини гувоҳи бўлдик. Бунинг асосий сабабларидан бири, ушбу муносабат бўлак-бутун муносабати бўлиб, бирор бир буюм, жисм, предмет ёки жойнинг бутун ёки бўлаги ҳар доим ҳам ўзига хос бўлиб, уларнинг структурасида бир-бирига ўхшашлик, структур жихатдан бир хиллик учрамайди, аксинча, бутунлай ўзига хос бирликлар орқали ифодаланишини ҳам юқорида инглиз тилида берилган мисоллардан ҳам кўриш мумкин.

<sup>1</sup> Coseriu E. Probleme der strukturellen Semantik. Vorlesung gehalten im Wintersemester 1965/66 an der Universität Tübingen (Tübinger Beiträge zur Linguistik 40), ed. by D.Kastovsky. – Tübingen: Narr, 1973; Kastovsky D. Diachronic Word-Formation in a Functional Perspective. In Kastovsky/Szwedek, 1986. – P. 409-421.

<sup>2</sup> Lipka L. An Outline of English Lexicology. Lexical structure, word semantics, and word-formation. Second edition. – Germany: Max Niemeyer Verlag GmbH & Co. KG. Tübingen, 1992. – 212 p. – P. 144.

<sup>3</sup> Lyons J. Introduction to theoretical linguistics. – Cambridge: Cambridge University Press, 1968. – P. 455.

Ўзбек тилида меронимиянинг партонимия атамаси билан тадқиқ этилганлигини гувоҳи бўлдик. Б.Қиличев томонидан ушбу маъновий муносабат ҳам ўзига хос жиҳатдан тадқиқ этилган бўлиб, ўзбек тилининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ўрганилганлигини кўришимиз мумкин<sup>1</sup>. «Партонимик муносабатларда сўзлараро бутун-бўлак муносабатларини ифодалаш билан алоқадор бўлган боғланишлар тушунилади. Чунончи, «дарахт», «илдиз», «тана», «шоҳ», «барг» каби сўзлар ўзаро бутун-бўлак муносабатлари билан боғлангандир»<sup>2</sup>. Демак, инглиз ва бошқа Европа олимлари томонидан тадқиқ этилган меронимия ва ўзбек тилшунослигида ўрганилган бўлак-бутун муносабатлари айнан бир хил ҳодисадир.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ўзбек тилшунослигида нафақат партонимия, балки ушбу маъновий муносабатларнинг бошқа семантик категориялар билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари Ш.Орифжонова, Р.Сафарова, Б.Қиличев, Ж.Джумабаевалар томонидан ҳам ўрганилган. Ўзбек тилида партонимиянинг ўрганилишида тилшунос Б.Қиличев партонимик ЛМГидаги «...»тана» сўзининг полисемия ва омонимияга муносабати масаласини»<sup>3</sup> ҳам чуқур ўрганиб чиққан. Шунингдек, олимнинг «... бутун ва бўлак тушунчалари нисбийдир» деган фикрларига ҳам қўшиламыз. Чунки борлиқдаги ҳар қандай нарса, предмет, жонзот ва буюмлар бўлакларга эга бўлгани билан, шу бўлакларнинг ўзи ҳам бир қанча бўлакларга бўлиниши мумкинлиги барчамизга аён.

Партонимия ёки меронимиянинг структур жиҳатлари хусусида юқоридаги фикримизни баён этиш баробарида бу фикр ўзбек тилшунослигида ўрганилган партонимияга ҳам тааллуқлидир.

Диссертациянинг «**Инглиз ва ўзбек тилларида сўзнинг функционал хусусиятлари**» деб номланган учинчи боби чоғиштирилаётган тилларда антонимия, синонимия, плесионимия, гипонимия ва меронимия/партонимия категорияларининг функционал жиҳатлари, мазкур тилларда сўзлараро маъновий муносабатлар тадқиқига истиқболли ёндашувлар сингари масалалар тадқиқига бағишланган.

Инглиз олимларининг маъно жиҳатидан ўзаро бир-бирига қарама-қарши, зид бўлган сўзлар – антонимларнинг функционал хусусиятларини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқот ишларини кузатадиган бўлсак, албатта, антонимлар контекстда ёки дискурсда таҳлил қилинган бўлиб, инглиз тилидаги ўзига хос жиҳатларнинг намоён бўлганлигини кузатамыз. Инглиз олимаси М.Лин Мёрфи ва ҳамкасблари билан бирга олиб борган тадқиқот ишлари натижасида хулосалари берилган: “Discourse functions of antonymy: A cross-linguistic investigation of Swedish and English”<sup>4</sup> мавзусидаги мақолада айнан антонимларнинг дискурсив функционал хусусиятлари ёритилган. Олдинги параграфларимизда турли олимлар томонидан антонимларнинг таснифлари,

<sup>1</sup> Қиличев Б.Э. Ўзбек тилида партонимия. Филол.фан.номз. ... диссер. – Тошкент, 1997.

<sup>2</sup> Юқорида қайд этилган диссертация. – Б. 27.

<sup>3</sup> Юқорида қайд этилган диссертация. – Б. 51.

<sup>4</sup> Murphy L. and et al. Discourse functions of antonymy: A cross -linguistic investigation of Swedish and English Journal of Pragmatics 41 (2009) 2159–2184.

турлари ва структур жиҳатларини ёритиш учун лексик бирликларга мурожаат қилган бўлсак, антонимларнинг функционал жиҳатларини таҳлили учун албатта контекст, дискурс ҳамда нутқимизда антонимлар қайси функцияларни бажарганлигига эътибор қаратамиз. Ушбу мақола муаллифлари ҳам Стивен Джоунснинг «Antonymy. A corpus based perspectives»<sup>1</sup> асарига таянган ҳолда икки тилда антонимларнинг функционал жиҳатларини таҳлил қилишган. Уларнинг фикрига кўра, гап таркибида қўлланилган антонимлар бир нечта муносабат ва мақсадларда қўлланилади. Шунга кўра, ушбу функциялар бир нечта турларга ажратиб кўрсатилган. Уларни санаб ўтибгина қолмай, бу турларга нисбатан ўз муносабатимизни билдирган ҳолда, уларни ўзбек тилига нисбатан ҳам қўллашни лозим топдик. Бунинг асосий сабабларидан бири ҳали ҳанузгача ўзбек тилшунослигида антонимларнинг дискурсив функциялари алоҳида тадқиқот объекти бўлмаган, бу келажакда ўзбек тилшуносларимиз олдида турган вазифалардан биридир.

Демак, Л.Мёрфининг фикрига кўра, Д.Стивен томонидан кўриб чиқилган, яъни корпус асосидаги антонимларнинг қўлланилишини қуйидаги турларга ажратади:

1. Контраст муносабат – *a. I love to cook but hate doing the dishes. b. Archer was a formal, eccentric man, long on acquaintances and short on friends.* Бунда ажратиб кўрсатилган бирликлар ўзаро антоним бўлиб, гапда бир-бирига қарама-қарши қўйиш функциясини бажариб келмоқда.

2. Нейтраллаштирувчи муносабат – *a. He played numerous cameo roles both on the large and the small screen. b. We may succeed, we may fail – but we will at least give it a whirl.* Бунда антонимик жуфтликлар гап мазмунини нейтраллаштирувчи восита вазифасини бажариб келмоқда.

3. Қиёсловчи муносабат – *a. Some living composers are more dead than alive. b. All fat, unsaturated no less than saturated, is fattening.* Бирор бир нарсани бошқаси билан қиёслаш, таққослашда фойдаланиладиган бирлик *than* қўлланилиб, антонимик жуфтликлар гапда қиёслаш функциясини бажариб келмоқда.

4. Фарқловчи функция – *a. He still doesn't know the difference between right and wrong. b. You'll struggle to find a better delineation of the no-man's land between love and hate.* Айнан антонимик жуфтликларнинг *and* боғловчиси ҳамда улардан олдин *between* бирлигининг қўлланилиши билан гапда ниманидир фарқлашдаги муаммони ифодалаш, ажрата олиш кабиларни таъкидланганлигини кузатамиз.

5. Кўчиш муносабати – *a. Inflation is a tax which redistributes wealth to the sophisticated from the unsophisticated. b. Economic optimism has given way to economic pessimism.* Антонимик жуфтликларнинг бу гапларда бирга қўлланилиши *from, to* каби предлоглар билан бирга ишлатилганлиги сабабли бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга, бир вазиятдан иккинчи вазиятга кўчиш муносабатини ифодалаш функциясини бажариб келмоқда.

---

<sup>1</sup> Steve J. Antonymy. A corpus based perspectives. Routledge. – New York, 2002.

6. Инкор этиш функцияси – *a. However, the citizen pays for public services to work well, not badly. b. Instead of thinking short term, it was time to start thinking long term.* Гапдаги бирор бир фикрни унга тескари маъно берувчи фикрга кўпгина ҳолларда *not* юқламаси, *instead* равишини қўллаш орқали антонимик жуфтликлар инкор этиш функциясини бажариб келади.

7. Экстремал муносабат – ушбу муносабатга мисол беришдан олдин унинг бошқа муносабатлардан фарқини изоҳлаш талаб қилинади, чунки ушбу муносабатда юқоридаги муносабатларга ўхшаган бирликлар қўлланилишига қарамасдан, бу каби ҳолатларда «*на униси, на буниси*» деган маънони ифодалаш учун антонимик жуфтликлар қўлланилганлигини таъкидлаш лозим – *a. For thousands of years in Britain, food had to be either very cold or very hot, but now they are accepting warm salads. b. I am not completely afraid and not completely unafraid.*

8. Мувофиқлаштирувчи муносабат – *These qualities all made him sought after by young and old alike.* Бу каби конструкциялардаги антонимик жуфтлик «ҳар қандай» маъносини билдирувчи бирликларнинг ўрнини боса олади. Яна бир мисол *shoes that you can wear outside or inside.*

9. Сўроқ муносабати ёки альтернатив савол рамкаси деб ҳам аталувчи ушбу муносабатда саволга жавоб берувчи шахс антонимлардан бирини танлаши лозим бўлади – *Is she a good mommy or a bad mommy?*

10. Бир вақтнинг ўзида бир хил функцияни бажариш ҳолати – *She looked both happy and sad at the same time.* Бунда бир-бирига қарама-қарши бўлган ҳолат, воқеа-ҳодиса бир вақтнинг ўзида содир бўлганда антонимик жуфтликлар иштирок этади. Бунда асосий калит белги вақтни кўрсатувчи, бир пайтнинг ўзида содир бўлганликни англатувчи бирликлар қўлланилади (бу мисолда *at the same time*).

Британия миллий корпусида (BNC – British National Corpus) инглиз тилидаги бадиий адабиётлар, публицистик материаллардан олинган мисоллар таҳлил қилинди. Инглиз тилидаги мисолларимизда ҳам юқоридаги каби муносабатлар мавжудлиги, яъни улар ҳам контекстга кўра шундай функцияларни бажариши аниқланди. Қўйидаги тартибда келтирилган мисолларимиз таҳлили шуни кўрсатдики, луғавий антонимлардан ташқари инглиз тилида ҳам контекстуал антонимлар айнан Л.Мёрфи томонидан аниқланган функцияларни бажариши асносида ўзаро антонимик муносабатлар бўлишади.

1. *A composer who – to exaggerate only a little – was principally remembered for Barbieri di Siviglia is now seen as the author not only of other fine comic operas but also of serious operas such as Tancredi, Otello, Maometto II and, of course, Guillaume Tell.* (Daily Telegraph, elect. edn. of 19920412. Arts material. – P. 1431 s-units) – контраст муносабат, бунда ушбу муносабат «*but also*» зидлов боғловчиси орқали ифодаланмоқда (comic operas, serious operas).

2. *The disc comes with a demo of the course builder you get with the registered version which allows you to place trees, houses and bunkers anywhere to make the course difficult or easy according to abilities.* ([Articles from Practical PC]. –



London: HNL Pub. group, 1992. – P. 10826 s-units.) Ушбу мисолда эса «difficult – easy» антонимлари нейтраллаштириш вазифасини бажариб келмокда.

3. *Everything looks so much smaller from up here looking down than it does down below looking up* (Daily Mirror. – London: Mirror Group Newspapers, 1992. – P. 9942 s-units). Мазкур ҳолатда than боғловчиси кўмагида ўзаро антонимик жуфтликлар ўртасида қиёсловчи муносабат қўлланилган.

4. *But a lot of our client's finance sections, don't see the difference between a big and a little job they see some pigeon holes in their spreadsheet and they want to put something in there.* (British Rail team brief meeting (Busn). Rec. on 30 Apr 1993 with 9 partics, 2088 utts) Мазкур ҳолатда ўзаро маъновий фарқланувчи big ва little бирликларининг and боғловчиси ёрдамида боғланиб, between предлогидан кейин қўлланилиш ҳодисаси келтирилган.

5. *Japan has moved remarkably rapidly from joy to gloom* (The Economist. 1990. – P. 3312 s-units). Бу ерда кўчиш муносабатининг айнан ўзаро тафовутга эга бўлган joy ва gloom бирликлари орасида келганлиги кузатилади.

6. *Instead of cutting, most should be increasing them* (Shropshire County Council Social Services Committee: committee meeting (Pub/instit). Rec. on 11 Jan 1994 with 10 partics, 329 utts). Instead of предлогининг ўзаро маъновий қарама-қаршиликка эга бўлган бирликлар ёрдамида қўлланилиши келтирилган.

7. *Now if the decision-making process consistently advances policies which unfairly benefit or disadvantage certain groups it does not seem desirable in principle to prevent the courts from reviewing the fairness of that process by confronting the background policy issues involved.* (Nuclear weapons, the peace movement and the law. ed. Dewar, John; Paliwala, A. Basingstoke: Macmillan Pubs Ltd, 1986. – P. 1-46. 1176 s-units) – экстремалликни ифодаловчи ушбу жуфтликлар контекстуал антонимлар сифатида келмокда, бунда уларнинг бажарадиган функциясига кўра улар луғавий антонимларда фарқ қилади.

8. *The fact that you fantasise about a woman rather than a man is neither here nor there in these circumstances.* (BNC) Ушбу мисолда neither ... nor ... боғловчиси ёрдамида ясалган neither here nor there бирикмаси мувофиқлаштирувчи муносабатда бўлиб, кўрсатиш олмашларининг ўзаро зид маъноларини ушбу ҳолатда намоён бўлишини кўришимиз мумкин.

9. *I wonder now, is this good or bad?* (Hospital circles. Andrews, Lucilla. Wallington, Surrey: Severn House, 1986. – P. 8-134. 3643 s-units.) – Альтернатива сўроққа жавоб иккаласидан биттаси бўлиши талаб қилинадиган функцияни бажариб келмокда.

10. *Writing it all down has been both painful and enjoyable for both of them* (The Daily Mirror. 9610 s-units). Бу ерда қарама-қаршилик хусусиятига эга бўлган бирликларнинг айни бир пайтда қўлланилиш ҳолати кузатилади.

Синонимларнинг семантик ва структур хусусиятлари таҳлилидан, уларнинг функционал жиҳатига эътибор қаратилар экан, Ҳ.Шамсиддиновнинг докторлик диссертациясига мурожаат қилинди. Синонимларнинг гапдаги функцияларини стилистик нуқтаи назардан таҳлил қилишдан олдин тилшунос олимнинг сўз маъноси ва унинг функциясига оид фикрларига эътиборимизни қаратамиз.

Унинг фикрига кўра, «Сўзнинг ўз маъноси доимий маъносидир, функционал маъноси эса вазият тақозоси билан бажариб турадиган кўшимча маъносидир»<sup>1</sup>. Шуларни эътиборга оладиган бўлсак, синонимлар ўзаро маънодош сўзлар бўлганлиги ҳамда улар ўртасидаги фарқ ва ажралиб турувчи хусусият, қўлланилиш кўлами, услубий ифодалилигида бўлса, қуйидагиларни қайд этиш лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Синонимлар субституция, яъни матннинг хусусиятига мослаштириш учун ўрнини босувчи бирлик функциясини бажаради: – ювош – қўй оғзидан чўп олмаган; паҳлавон – тоғни урса талқон қиладиган;

2. Матндаги ифодалилиқ, образлилиқ ва бўёқдорликни таъминлаш учун ишлатилади: – душман – ит-мушук; балиқ – лўқмай ҳалол;

3. Халққа тушунарли ва жонли тилда қўлланиладиган образли, окказионал ва соддалаштирилган вариантларни беришдаги вазифани бажара оладиган маъновий муносабат ҳисобланади: – нозик – битта гап кам, иккита гап кўп.

Ушбу турларга бўлиниши, албатта, ҳар қандай тилдаги бирликларнинг луғавий маъносидан контекстуал маъно касб этишига таъсир қилувчи омиллар ёрдамида аниқланишини тақозо этади. Бунда асосий ролни контекст ўйнаши табиий. Бу каби мисолларни инглиз тилида ҳам бир қанчасини келтиришимиз мумкин.

1. Субституция – *perfect storm – fiasco*.

2. Ифодалилиқ, образлилиқ ва бўёқдорликни таъминлаш – *break the ice – be friendly and talkative*.

3. Содда, жонли тилда қўлланиладиган вариант билан алмаштириш – *Time is money – work quickly*.

Плесионимларга келадиган бўлсак, ўзаро синонимларнинг битта гап таркибида аниқлаштириш, ойдинлаштириш учун қўлланилишини ўзи плесионимик муносабатлар бўлганлиги сабабли ушбу категориянинг функционал хусусиятларига яна тўхталишни жоиз топмадик.

Антонимия, синонимия семантик категорияларининг функционал хусусиятларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг контекста қўлланилиши ҳар доим ҳам ўзларининг луғавий жуфтликлари (антоним), қатор аъзоларининг асосийларини иштирокини тақозо этмайди. Бундан кўриниб турибдики, ушбу муносабатларда қайси ҳолатларда уларнинг қандай функция бажариши контекстнинг уларни ўзаро антоним бўлиши, ёки синонимик вариант, субституция, ёки матн жозибадорлигини аниқлашга ёрдам берувчи бошқа бирликлар, яъни иборалар, идиомалар, фразеологик бирликлар ҳам қатнашган ҳолда амалга оширилишининг гувоҳи бўлдик.

Чоғиштирилаётган тилларда гипонимларнинг асосан конкрет ҳолатларда ишлатилиши, оддий, оғзаки халқ тилида эса гиперонимларнинг қўлланилиши кузатилди. Бундан кўриниб турибдики, ҳар доим ҳам гипонимларни қўллаш ўқувчи, тингловчига қулай бўлавермайди. Аксинча, махсус матнларда, соҳа мутахассислари учун илмий ва илмий оммабоп нашрларда, жумладан, газета,

<sup>1</sup> Шамсиддинов Х. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари. 10.02.02-Миллий тиллар (ўзбек тили), филол. фан. доктор. диссер. – Тошкент, 1999. – Б. 28.

журнал, илмий рисола, монография ва дарсликларда гипонимларнинг, ко-гипонимларнинг қўлланилишини кузатдик. Бадиий асарлар ва оғзаки нутқда эса асосан гиперонимлар гипонимлар функциясини бажариб, уларни янада тушунарлироқ, баъзан эса жамловчи birlik сифатида матндаги ўзининг асосий функциясини бажаришини таъминлаб беради.

Гипоним ва гиперонимларнинг гапда бажарадиган функцияси чоғиштирилаётган тилларда бир хил эканлиги кузатилди ва қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Гипонимлар конкретлаштириш функциясини бажаради.

2. Гиперонимлар гипонимларнинг ўрнига қўлланилганда умумлаштириш функциясини бажаради.

3. Битта гап таркибида бир нечта ко-гипонимларнинг қўлланилиши аниқлик киритиш ва тушунтириш учун қўлланилади.

4. Махсус (соҳага оид) матнларда гипероним ва гипонимлар ўз ўрнида ишлатилади, яъни бир-бирини ўрнини босиш учун ёки жамлаш, умумлаштириш функциясини бажариш учун қўлланилмайди.

Энди эса меронимия ва партонимиянинг функционал жиҳатларига эътибор қаратамиз, ҳар икки тилда уларнинг омоним ва полисемантик сўз сифатида эътироф этилишини ҳисобга олсак, турли сўзлар билан бирикиш натижасида бутунном ёки бўлакном бир қанча вазифаларни бажаради. Мисол учун ўзбек тилида «*одамнинг тиши*», «*арранинг тиши*», «*омочнинг тиши*», «*омбурнинг тиши*» каби мисолларда уларнинг бажарадиган функцияси бир хил бўлиб, тиш ёрдамида чайнаш, кесиш, ушлаб туриш каби иш-ҳаракатни бажарганлиги учун қўлланилганлиги кузатилади. Аммо «*тиш*» компоненти мавжуд фразеологик birlikларда улар бошқа маъноларни касб этади, масалан: «*Тиш қайрамоқ – қасд қилмоқ, ўч олишга ҳаракат қилмоқ*», «*тишининг оқини кўрсатмади – хўмрайиб ўтирди, кулмади, гапирмади*» каби маъноларни беришда айнан инсоннинг тиши орқали унинг психологик ҳолати ифода этилмоқда.

Инглиз тилида ҳам меронимларда бутун ёки бўлак бошқа бир birlikлар билан бирикиши натижасида шу каби вазифаларни бажаргани учун қўлланилишини кузатамиз. Масалан, «*tree*» билан келган бирикмалар – «*family tree*», «*timeline tree*», «*Christmas tree*» – буларнинг барчасида битта «*тана*»га тегишлиликни ифодалагани учун қўлланганлигини кўришимиз мумкин. Бўлакном ҳам ўзи билан бирикиб келган birlikда ўз функциясига кўра маъно ифодалашини кузатамиз: «*square root*», «*root situation*», «*Android root*». Бу сўз «*root*» – илдиз тарзда таржима қилинса-да, ўзи билан бирикиб келган birlikлар маъносига «асос, асосий» маъноларини ифодалаб келмоқда (1-илова) <sup>1</sup>. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, меронимик муносабатларнинг инглиз ва ўзбек тилларидаги функционал жиҳатлари бир-биридан фарқ қилади ва албатта бу ҳолат тил хусусиятлари ва тил birlikларининг имкониятлари билан боғлиқдир.

Инглиз ва ўзбек тилларида сўзлараро маъновий муносабатлар тадқиқига истиқболли ёндашувлар борасида тўхталадиган бўлсак, бунда диссертацион

<sup>1</sup> <https://www.english-corpora.org/coca>

ишимиз доирасида синоним ва антонимларнинг сўз туркумларига оидлигига кўра қиёсий тадқиқи ёритилди. Хусусан, Алан Спунер муаллифлигидаги «Oxford Dictionary of Synonyms and Antonyms» номли луғат таркибида, бош сўзда келтирилган синоним ва антонимлар инглиз алифбоси (A-Z) тартибида олтига, яъни adjective – сифат, adverb – равиш, interjection – ундов (сўз), noun – от, preposition – предлог, verb – феъл сўз туркумлари кесимида таҳлил қилинди ва олинган натижалар билан иловада танишишингиз мумкин (2-илова). Иловадаги диаграммалар шуни кўрсатадики, ҳарфлар кесимида С ҳарфи билан бошланган синоним ва антонимларнинг умумий миқдори энг кўп ҳисобланиб, 656 тани ташкил этса, У ҳарфи билан бошланганларининг умумий сони 10 тани ташкил этиб, унда бор йўғи сифатлар 5 та, от 4 та ва феъл 1 тадан мавжудлиги қайд этилди.

Ўзбек тилида ҳозирги кунгача мавжуд ягона А.Ҳожиёв муаллифлигида «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати»да келтирилган синонимлар ҳам худди шу тарзда таҳлилга тортилди ва ушбу таҳлил натижалари иловада ёритилди (3-илова). Келтирилган иловадаги диаграммалар шуни акс эттирадики, ўзбек тилидаги синонимларнинг салмоғи асосан В (220), А (211) ва Б (201) ҳарфларига тўғри келмоқда. Аммо ушбу луғат афсуски барча синонимларни қамраб олмаганлиги сабабли, янги яратилажак синонимлар луғатида бу кўрсаткичлар ўзгариши табиий. Ишнинг ҳажми ортиб кетиши ҳисобга олиниб, диссертацион иш доирасида антонимлар луғатининг таҳлили амалга оширилмади. Ўйлаймизки, бўлажак фидоий тилшуносларимиз яқин келажакда бу каби ишларни яна давом эттиришади ва замонавий ўзбек тилшунослиги ривожига ўз ҳиссаларини қўшган ҳолда янгича ёндашувлар асосида илмий тадқиқот ишларини амалга оширишади.

## ХУЛОСА

1. Сўзлараро маъновий муносабатларнинг ўрганилиши натижасида семантик мактабларнинг бир қатор принциплари таҳлил қилиниб, уларнинг семантика соҳасининг ривожланишидаги ҳиссаси ёритилди. Бунда янгича ёндашувлар натижасида қўлга киритилган ютуқларнинг ҳозирги кундаги семантика соҳасидаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топишдаги ўрни муҳимдир.

2. Инглиз тилшунослигида лексик парадигмалар, яъни антонимия, синонимия, плесионимия, гипонимия, меронимияларни ўрганган олимларнинг тадқиқот ишлари таҳлил қилиниб, уларга илмий ёндашилди. Ушбу парадигмаларнинг турларга ажратилиши, структур ҳамда семантик жиҳатдан ўзига хос хусусиятлари юзасидан фикрларига муносабат билдирилди.

3. Антонимия, синонимия, плесионимия, гипонимия, меронимия/партонимия категорияларининг чоғиштирилаётган тилларда таснифланиши, турларга ажратилиши семантик нуқтаи назардан таҳлил қилиниб, гуруҳлараро муносабатларнинг ўзига хос жиҳатлари қардош бўлмаган тилларда чоғиштириб ўрганилди ва натижада мазкур муносабатларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари аниқланди.

4. Инглиз тилшуносларининг семантик категорияларнинг хусусиятларини аниқлашга қаратилган назарий фикрларига таянган ҳолда ўзбек тилшунослигида ҳам шу каби ёндашувлар, усуллар қўлланилиши натижасида нафақат улардаги ўхшаш жиҳатлар, балки ўзбек тилининг ўз моҳияти, ички имкониятларини эътиборга олган ҳолда бошқа жиҳатларини ҳам аниқланилишига олиб келадиган натижаларга эришилганлигини кузатиш мумкин. Бу меронимик муносабатларнинг ўзбек тилшунослигида партонимик муносабатлар тарзида тадқиқ этилиши мисолида кўриб чиқилди.

5. Сўзлараро маъновий муносабатларнинг структур жиҳатлари ўрганилиб, олимларнинг ушбу соҳадаги илмий тадқиқот ишлари батафсил таҳлил этилиши натижасида ушбу категорияларнинг ўзига хос жиҳатлари, инглиз ва ўзбек тилларидаги ўхшаш ва фарқли томонлари аниқланди.

6. Антонимия, синонимия, плесионимия ҳамда гипонимия семантик категорияларининг функционал жиҳатларини ўрганиш натижасида қуйидаги жиҳатлар аниқланди: антонимиянинг функционал жиҳатлари юзасидан Л.М.Мёрфининг 1) контраст муносабат; 2) нейтраллаштирувчи муносабат; 3) қиёсловчи муносабат; 4) фарқловчи функция; 5) кўчиш муносабати; 6) инкор этиш функцияси; 7) экстремал муносабат; 8) мувофиқлаштирувчи муносабат; 9) сўроқ муносабати ёки альтернатив савол рамкаси; 10) бир вақтнинг ўзида бир хил функцияни бажариш ҳолати кабиларга ажратилганлигига кўра биз яна бир функцияни кўшишни таклиф қилдик, ушбу функция 11) таъкид функцияси деб номланиши таклиф қилинди. Бунда таъкидлаш, исботлаш маъносини бериш учун зид, қарама-қарши маъноли сўзлардан фойдаланилган, шу мисол орқали ушбу функцияни ҳам киритиш лозимлиги тавсия қилинди.

7. Тадқиқотимиз жараёнида чоғиштирилаётган тилларда синонимларнинг функционал жиҳатларини аниқлашда қуйидаги хулосаларга келдик: 1) синонимлар субституция, яъни матннинг хусусиятига мослаштириш учун ўрнини босувчи бирлик функциясини бажаради; 2) матндаги ифодалилик, образлилик ва бўёқдорликни таъминлаш учун ишлатилади; 3) халққа тушунарли ва жонли тилда қўлланиладиган образли, окказионал ва соддалаштирилган вариантларни беришдаги вазифани бажара оладиган маъновий муносабат ҳисобланади.

8. Меронимия/партонимиянинг функционал жиҳатлари хусусида шуни таъкидлаш муҳимки, ҳар икки тилда уларнинг омоним ва полисемантик сўз сифатида эътироф этилиши турли сўзлар билан бирикиш натижасида бутунном ёки бўлакном сифатида бир қанча вазифаларни бажаради.

9. Инглиз тилида меронимик муносабатларда бутунном бошқа бирлик билан бирикиши натижасида ўзининг луғавий маъносини деярли сақлаб қолган ҳолда бирикмага ўзига мос маъно берса («tree» – «family tree», «timeline tree», «Christmas tree»), бўлакном эса ўзи билан бирикиб келган бирликда ўз функциясига кўра маъно ифодалаб келади («root» – «square root», «root situation», «Android root»).

10. Инглиз тилида гиперонимнинг ўзаги ёки унга хослик белгисини билдирувчи бирликларнинг қўлланилиши жуда кам учрайди. Буни «flower» мисолида таҳлили амалга оширилиб, айнан гулнинг қайси бир турига оид

бошқа навларининг номи ўша гул номи билан қўлланилиши кўпроқ учраганлиги исботланди. Структур жиҳатдан эса бу каби гипонимларни қайси бир гиперонимга мансублигини ҳар доим ҳам англаш қийин бўлади. Бунга ўхшаган структурага эга гипероним ва гипонимлар ўзбек тилида ҳам учраганлиги аниқланди.

11. Гиперо-гипонимик муносабатларнинг функционал хусусиятлари юзасидан эса шуни таъкидлаш лозимки, уларнинг гапда, нутқимизда қўлланилишида, асосан, гипонимнинг ўрнига гиперонимнинг қўлланилиши – тушунарли бўлиши учун ишлатилса, гипероним билан бирга гипонимларнинг бирма-бир саналиши эса гиперонимга қўшимча изоҳ, қўшимча таъкидловчи маълумот беришдир. Баъзан эса, умумлаштириш, аксинча аниқлаштириш мақсадида ҳам битта гап таркибида гипероним ўз гипонимлари билан бирга қўлланилиши мумкинлиги исботланди.

12. Сўзлараро маъновий муносабатларни семантик, структур ҳамда функционал жиҳатдан тадқиқ этиш, турли тизимли тилларга мансуб тилларда уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш, ҳар икки тилдаги маъновий муносабатларнинг нутқда қўлланилишини ўрганишга, структурасига кўра уларнинг гиперо-гипонимик муносабатда эканликларини аниқлашга, антонимик ва синонимик қатор аъзоларининг гап таркибида қўлланилиши сабабларини аниқлашга ёрдам берганлиги тадқиқотимиздаги қўлга киритилган асосий ютуқлардан ҳисобланади.

13. Тадқиқот жараёнида аниқланган хусусиятларни янада кенгроқ планда тадқиқ қилиш янада кўпроқ жиҳатларини ёритишга, айниқса, уларнинг корпус асосида тадқиқ этилиши жонли тил хусусиятларини ҳам янада батафсилроқ ва чуқурроқ ўрганилишига олиб келади.

14. Маъновий муносабатларни ифода этувчи бирликларнинг луғатларда берилиши юзасидан инглиз олимларининг ишларига мурожаат қилиниб, барча сўз туркумларига оид сўзларнинг ўзаро антонимик, синонимик, плесионимик ва гиперо-гипонимик муносабатларида намоён бўладиган жиҳатлари инглиз тили изоҳли луғатларини ўрганиб, таҳлил қилиб чиқиш орқали шу каби хусусиятларни ўзбек тили изоҳли луғатлари мисолида ҳам амалга ошириш тилшуносларимиз олдида турган истиқболли тадқиқот ишларидан эканлиги таъкидланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ №DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**  

---

**УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**МАШАРИПОВА НАРГИЗА ОТАХОНОВНА**

**СТРУКТУРНЫЕ И ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ  
МЕЖСЛОВНЫХ СЕМАНТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ  
(на примере английского и узбекского языков)**

**10.00.06 – Сравнительное литературоведение, сопоставительное языкознание  
и переводоведение**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2018.3.PhD/Fil594.**

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на сайте Научного совета [www.nuu.uz](http://www.nuu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).

**Научный руководитель:** **Джумабаева Жамила Шариповна**  
доктор филологических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** **Джусупов Нурсултан Маханбет улы**  
доктор филологических наук, доцент  
**Курбанова Мухаббат Матякубовна**  
доктор филологических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Ташкентский государственный университет  
узбекского языка и литературы имени Алишера  
Навои**

Защита состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil.01.10 при Национальном университете Узбекистана. Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Фараби, дом 400. Тел: (99871) 246-08-62; (99871) 227-10-59; факс: (99871) 246-65-24 e-mail: [наука@nuu.uz](mailto:наука@nuu.uz). Национальный университет Узбекистана, факультет зарубежной филологии (этаж 1, аудитория 112).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана, зарегистрирована под номером (\_\_\_\_). Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Фараби, дом 400. Тел: (99871) 246-08-62

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г.

(Протокол реестра № \_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г.).

**А.Г.Шереметьева**

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филологических наук, профессор

**Н.Э.Абдуллаева**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD) по филологическим наукам

**И.А.Сиддикова**

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филологических наук, профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** Изучение структурных и функциональных особенностей семантических категорий в мировой лингвистике, выявление их сходств и различий, интерпретация приводит к совершенствованию теоретических основ каждого языка, появлению новых понятий и терминов. В исследованиях языковедов становится все более актуальным определение структурно-функциональных особенностей явлений и категорий национального языка, тем самым сопоставляя их с языками, не являющимися родственными. В связи с этим важно изучить семантические и структурные особенности межсловных семантических отношений в разноструктурных языках, определить их взаимосвязь, а также доказать, что они проявляются на фонологическом, лексическом, морфологическом, синтаксическом и стилистическом уровнях.

Научные исследования, такие как подробный анализ прямых и косвенных отношений лингвистических единиц как ключевых факторов развития мировой лингвистики, и в то же время выявление характерных особенностей новых лингвистических парадигм с научной точки зрения, являются одними из самых актуальных задач общего языкознания. Следовательно, развитие мирового языкознания, в свою очередь, предусматривает проведение исследований по развитию языков в мире в прямой взаимосвязи.

В нашей стране в последние годы также отражены такие приоритетные задачи, как определение стратегических целей и приоритетных направлений развития системы высшего образования, повышение результативности научно-исследовательской деятельности в высших образовательных учреждениях, широкое привлечение молодежи к научной деятельности, формирование инновационной инфраструктуры науки. В частности, в рамках Концепции развития высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года определены стратегические цели развития системы высшего образования такие как «модернизация страны, повышение качества подготовки высококвалифицированных кадров для устойчивого социально-экономического развития, развитие человеческого капитала в соответствии с требованиями рынка труда, повышение уровень высшего образования»<sup>1</sup>. Объем научных исследований, направленных на развитие языкознания на основе сопоставительного изучения нашего родного языка с другими индоевропейскими языками, также значительно расширяется. В частности, в первые годы независимости проведенные исследования были сосредоточены на аспектах и сущности семантических категорий в рамках одного языка, но в последние годы, несмотря на то, что работы, посвященные выявлению различий и сходств языков путем их сопоставления, становятся все более актуальными, в этой области еще много вопросов, которые необходимо исследовать и решить. Не только выявление сходств и различий в структуре семантических категорий в английском и узбекском языках, но и необходимость

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5847 от 8 октября 2019 года «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», глава 3, пункт 3. <https://lex.uz/docs/4545884>.

изучения их функциональных аспектов, широкого продвижения практического применения результатов, полученных путем их сопоставления определяют актуальность данного исследования.

Данное исследование в определенной степени служит реализации задач, поставленных в Постановлении Президента Республики Узбекистан «Об организации Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои» от 13 мая 2016 г. № ПП-4797, Указах Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков» от 10 декабря 2012 г. № УП-1875, «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 г. № УП-2789, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об утверждении государственного образовательного стандарта по иностранным языкам системы непрерывного образования» от 8 мая 2013 г. № 124, а также в других нормативных правовых актах, связанных с этой деятельностью.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Исследование диссертации проводится в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, семантически-образовательном развитии информированного общества и демократического государства и способы их реализации».

**Степень изученности проблемы.** Обращаясь к задачам исследования межсловных семантических отношений в английском языкознании, можно констатировать, что категория *антонимии* была исследована в работах таких лингвистов, как Дж.Лайонз, А.Лерер, А.Круз, В.Чарльз, Г.Миллер, К.Фельбаум, Л.Р.Хорн, С.Джонс, М.Л.Мёрфи<sup>1</sup>, где основное внимание уделяется видам антонимии, их взаимосвязи с другими семантическими категориями, а также их функциональным, прагматическим и контекстным аспектам. Углубленное изучение антонимии в разноструктурных языках также привело к выявлению их сходств и различий, а также к развитию лексикографии, лингводидактики и сопоставительной лингвистики.

Синонимия, которая является одной из семантических категорий, до настоящего времени привлекала внимание исследователей, и ученые, изучавшие это явление, всесторонне исследовали данную категорию. В частности, явление *синонимии* упоминается в исследованиях таких лингвистов, как Р. Харрис,

---

<sup>1</sup> Lyons J. Semantics. (2 vols.) – Cambridge: Cambridge University Press, 1977; Lehrer A., Lehrer K. Antonymy. Linguistics and Philosophy 5, 1982. – P. 483-501; Lehrer A. Markedness and antonymy. Journal of Linguistics 21, 1985. – P. 397-429; Cruse D.A. Lexical semantics. – Cambridge, England: Cambridge University Press, 1986. – P. 160; Charles W.G., Miller G.A. Contexts of antonymous adjectives. Applied Psycholinguistics 10, 1989. – P. 357-375; Cruse D.A. Prototype theory and lexical relations. Rivista di linguistica 6, 1994. – P. 167-188; Fellbaum C. Co-occurrence and antonymy // International Journal of Lexicography 8, 1995. – P. 281-303; Horn L.R. A natural history of negation (rev. edn.). – Stanford: CSLI Publications, 2001; Jones S. Antonymy: A Corpus-based approach. – London: Routledge, 2002; Murphy M.L. Semantic Relations and the Lexicon. Antonymy, Synonymy, and Other Paradigms. – UK: Cambridge University Press, 2003. – 292 p.; Horn L.R. The expression of negation. 2010; Murphy M.L. Lexical Meaning. – UK: Cambridge University Press, 2010. – P. 119.

Дж. Лайонз, А. Круз, Х. Джексон, А. Лерер, Л. Липка, С.И. Хаякава, О. Эрлих, Ч.В. Крейдлер, К. Фельбаум, М.Л. Мёрфи<sup>1</sup> а *пlesiонимия* упоминается в работах таких лингвистов, как А. Круз, Ч. ДиМарко, Г. Хирст, П. Эдмондс, Д. Инкпен, Д. Дивьяк, П. Сторйоханн, Д. Глин<sup>2</sup>.

Исследования по *гипонимии* отражены в научных трудах таких лингвистов, как А. Лерер, Дж. Лайонз, Л. Липка, Г.Н. Лич, А. Вежбицка, А. Круз, Д. Болингер, К. Фельбаум, М.Л. Мёрфи<sup>3</sup>, а категория *меронимии/партонимии* освещена в исследованиях таких лингвистов, как Г.А. Миллер, Дж. Лайонз, А. Круз, Б. Смит, Э. Маркман, Дж. Лиу, М. Винстон, Р. Шаффин, Д. Херрман<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Harris R. Synonymy and linguistic analysis. – Oxford: Blackwell, 1973. – P. 11; Lyons J. Semantics (2 vols). – Cambridge: Cambridge University Press, 1977. – 368 p.; Cruse D.A. Lexical semantics. – Cambridge, England: Cambridge University Press, 1986. – P. 88; Jackson H. Words and their meaning. – London: Longman, 1988. – P. 65; Lehrer A., Kittay E.F. Frames, fields, and contrasts: New essays in semantic and lexical organization, Hillsdale. – NJ: Lawrence Erlbaum Associates, 1992; Lipka L. An Outline of English Lexicology. Lexical structure, word semantics, and word-formation. Second edition. – Germany: Max Niemeyer Verlag GmbH & Co. KG. Tübingen, 1992. – 212 p. – P. 142; Hayakawa S.I., Ehrlich E. Choose the right word: A contemporary guide to selecting the precise word for every situation. – New York: Harper Perennial, 1994; Kreidler C.W. Introducing English semantics. – London: Routledge, 1998. – P. 10; Fellbaum C. WordNet: An electronic lexical database. – Cambridge, MA: MIT Press, 1998; Cruse D.A. Meaning in language: Introduction to Semantics and Pragmatics. – Oxford: Oxford University Press, 2000; Murphy M.L. Semantic Relations and the Lexicon. Antonymy, Synonymy, and Other Paradigms. – UK: Cambridge University Press, 2003. – 292 p. – P. 133; Murphy M.L. Lexical Meaning. – UK: Cambridge University Press, 2010. – 256 p. – P. 110.

